



TOSHKENT DAVLAT  
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

# O'RGANILAYOTGAN MAMLAKATLARDA TIL VAZIRIYATI VA SIYOSATI

O'QUV-USLUBIY MAJMUA

BOSH ILMIY-METODIK  
MARKAZ


2022



TOSHKENT



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА**  
**ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ**  
**ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ – МЕТОДИК МАРКАЗИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ ТИЛ,**  
**ТАРЖИМА ВА КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**  
**Филология ва тилларни ўқитиш: (Хитой тили) тингловчилари**  
**учун**  
**Ўрганилаётган мамлакатда тил вазияти ва сиёсати**  
**МОДУЛИНИНГ**  
**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**



Тошкент- 2022

**Модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув – методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил..... даги.....сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи: Ш.И. Шамаманов**

**Такризчилар: Қ. Ш. Омонов, Ж. Жўраев**

**Ўқув услубий мажмуа ТДШУ Кенгашининг 2022 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ - сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

- I. Ишчи дастур.....
- II. Модулни ўқитишда фойдаланилган интерфаол таълим методлари .....
- III. Назарий материаллар.....
- IV. Амалий машғулотлар материаллари.....
- V. Кейслар банки.....
- VI. Глоссарий.....
- VII. Адабиётлар рўйхати.....

## I.Ишчи дастур

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон, 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4680-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

**Ўрганилаётган мамлакатларда “тил вазияти ва сиёсати”** модули ўқитилиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникмалар ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви натижасида тингловчиларнинг чет тили коммуникатив компетенцияларини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий) ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки филологнинг касбий компетенцияси назарий фанлар ва асосий чет тили фани ўқитиш мажмуида шаклланади. Ушбу дастур мазкур курснинг ижтимоий тилшунослик, сиёсий тилшунослик, ареал тилшунослик, тилшунослик географияси, этнолингвистика, тил тарихи, шевашунослик, лингвокультурология, назарий фонетика каби тилшуносликнинг фундаментал йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

ХХР билан ижтимоий–сиёсий маданий алоқларнинг барқарор ривожланиши таъсирида хитой тилшунослиги ва тил билан боғлиқ кечаётган жараёнларни ўрганиш масаласи кенгайди. Тил муносабатлари доирасида социоллингвистика, сиёсий тилшунослик, ареал тилшунослик, тилшунослик географияси, шевашунослик, тили тарихи каби фанларни ўрганиш давр эҳтиёжига айланди. – тилнинг сиёсат билан боғлиқлиги, тил этносларининг келиб чиқиши, тилнинг ҳудудий шаклланиш даврлари, ички ва ташқи омилларнинг тилга таъсири;

- жамиятда тил вазиятини характерлайдиган омиллар, тилни режалаштириш, саводхонлик, тил ва мафкура, тилни тарғибот воситаларини белгиловчи матбуот ва ахборот воситалари, боғча, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим, қонун ва фармонлар, қарорлар;

- Хитой жамиятида тил ва ёзув ислохотлари, жамиятда тил ислохотларининг аҳамияти, ўрганилаётган тилнинг грамматикаси, лексикологияси, луғат бойлиги ва терминологиясининг шаклланиши, шева хусусиятлари, кичик миллатлар тили, автоном районларда мавжуд тил вазияти бўйича етарли билимга эга бўлиш керак.

Ушбу мажмуа янги педагогик технологиялар ва тилшуносликнинг замонавий йўналишлари асосида тубдан янгиланишни илгари суради ҳамда тингловчиларнинг таълим бериш сифатини кўтариш мақсадида дастурда турли эффектив ва замонавий педагогик технологиялар ишлатилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Фанни ўқитишдан мақсад** – тингловчиларни Хитойнинг ҳозирги ҳолати, ҳудуди, аҳолиси, хитой ва кам сонли миллатлар тиллари, ХХРнинг ҳозирги ва турли тарихий даврлардаги тил сиёсатининг мақсад ва вазифаларини очиқ бериш, ҳозирги даврда тилда юз бераётган жараёнларни ўрганиш ҳамда тилнинг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этадиган лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан боғлиқ малакаларини шакллантириш.

**Ўрганилаётган мамлакатларда тил вазияти ва сиёсати** модулининг **асосий вазифалари** қуйидагилар:

Фаннинг вазифаси– “Ўрганилаётган мамлакат (хитой)да тил вазияти” фанининг ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- “тил вазияти” тушунчаси, хусусиятлари, тил вазиятининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳақида **билимга эга бўлиши керак;**

- тил вазиятини ўрганишда илмий-тадқиқот методларидан фойдаланиш **малакасини ҳосил қилишлари керак;**

- тилнинг сиёсат билан боғлиқлиги, тил этносларининг келиб чиқиши, уларнинг ҳудудий тил сифатида шаклланиш жараёнлари, тил ареаллари, кам сонли миллатларнинг тил ва миллат сифатида тарихий шаклланиш босқичлари, бугунги ҳолати ХХР томонидан кам сонли миллатларга нисбатан ўтказиб келинаётган сиёсат ва сиёсий йўл - йўриқлар, сиёсатда моноетник ва полиетник тушунчаси;

- тил вазияти фани категориялари, жамиятда тил вазиятини характерлаётган омиллар, ХХР да таълим стандартлари ва унга амал қилиш

мезонлари, ХХРда саводхонлик масалалари билан бўғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари, жамият тили учун мафкура ва тарғибот воситаларини белгиловчи матбуот ва ахборот воситалари;

- масофали ўқитишнинг жойлар учун аҳамияти, лойларда расмий иш юритишда амал қилинётган сиёсий мезонлар, ХХРда шева ва лахжа тиллари, ўқитилаётган фаннинг грамматикаси;

- Хитой ёзуви ва тил ислохотлари, жамиятда тил ислохотларининг аҳамияти, ўрганилаётган тилнинг грамматикаси, лексикалогияси бўйича асосий луғат бойлиги ва терминалогиясининг шаклланиши ҳақида тушунча олиш, тажриба ва кўникмага эга бўлиш керак.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясига қўйиладиган талаблар**

Ўрганилаётган мамлакатда (Хитой тили) тил вазияти ва сиёсати модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- Хитойда тил вазияти ва тил сиёсати тушунчаси;
- Тил вазияти ва тил сиёсатининг алоқадорлик масаласи;
- Давлат томонидан тил сиёсати масаласида ишлаб чиқиладиган қонун ва фармонлар;

- XX аср хитойда тил вазияти хусусиятлари;
- XX аср хитойнинг тил сиёсати ва стратегияси;
- ХХРнинг тил ва ёзув ислохотлари;
- Ғарб миссионерларининг хитой ёзувини ислох қилишдаги ўрни;
- ХХР ҳукуматининг кам сонли миллатлари тили ва ёзувини ислох қилиш стратегияси;

- Хитой иероглиф ёзувини лотинлаштириш сиёсати ва истиқболлари;

- ХХРнинг ислохотлар даври тил сиёсати;
- Хитой тилини ривожлантиришда Конфуций институтининг ўрни;



- ХХРда блингвистик таълим;
- Хитой тилининг ғарб давлатларига кириб бориш сабаблари ҳақидаги *билимларга* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг асосий йўналишлари ва категорияларини англаш;
- коммуникатив тилшунослик модулининг методологик принциплари тамойиллари ва ёндашувларини фарқлаш;
- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулининг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчаларини амалий жиҳатдан қўллаш;
- сўз ва унинг семантикаси, тузилиши, матн категориялари, фонетик ва фонологик назариялар: информативлик, модаллик категориялари, матн яхлитлиги ва тугалланганлиги категориялари, матнда ўрин-пайт категорияларини ўзаро фарқлаш;
- коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари **модули** бўйича назарий мавзуларни ва эгалланган ахборотни амалиётда **қўллаш** малакаларини эгаллаши зарур;

#### **Тингловчи:**

- модул бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш, хулосалар бериш, умумлаштириш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш;
- модул бўйича орттирилган малакаларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Ўрганилаётган мамлакатларда тил вазияти ва сиёсати модули Чет тил ўқитишдаги замонавий методлар, тил компетенцияларини баҳолаш механизмлари, тилшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли каби тилшуносликнинг йўналишлари билан ўзаро боғлиқ.

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);
- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий ҳужум методи (brainstorming).

Шунингдек, фанни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади, жумладан:

- мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

**Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар амалда қўллаш бўйича қуйидаги баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.**

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкلامаси		
		Жами	жумладан	
			Назари й	Амалий мангулот
.	Тилнинг алоқа хусусиятлари. Тилларнинг пайдо бўлиши. Хитой социолингвистикаси, этнолингвистик масалалари	2	2	
.	Ўрганилаётган мамлакатда тил вазияти ва сиёсати	2		2
.	Тил вазияти, уларнинг турлари. Тил вазиятининг ўзгаришига таъсир етувчи омиллари.	2		2
.	Тилнинг замонавийлаштириш шарт-шароитлари. ХХРда шеваларнинг юзага келиши	2		2
	<b>Жами:</b>	<b>8</b>	<b>2</b>	<b>6</b>

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1 мавзу: Тилнинг алоқа хусусиятлари. Тилларнинг пайдо бўлиши.**

#### **Хитой социолингвистикаси, этнолингвистик масалалари**

Жаҳон тилшунослигида социолингвистиканинг ўрни. Фан сифатида юзага келиши ва такомил масаласи. Хитой социолингвистикаси. Хитой ва ғарб социолингвистикасининг умумий ва ўзига хос томонлари. Социолингвистика, психиолингвистика, этнолингвистика фанлари билан боғлиқлик масалалари.

Социолингвистика, тил ва жамият, тил ва этнос, тил вазияти тушунчаси, тил ўқитилаётган мамлакатдан этнолингвистик вазият, билингвизм ва полелингвизм, давлат тили тушунчаси, жамиятда тил вазиятини ҳарактерловчи омиллар, тил ва соводхонлик, тил ва матбуот, радио, кин ова телевидения тили, расмий ёзмалар ва иш юритиш тили, бадиий адабиёт тили, илмий тил масалалари, лексик фондни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, тилнинг замонавийлаштириш шарт-шароитлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

### **2-мавзу. Ўрганилаётган мамлакатда тил сиёсати**

Хитойда тил сиёсати: мамлакатда стандарт (путунгхуа) тили функцияси. Хитой қонунчилигида тилга оид қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатлар. Хитойда кам сонли миллатлар тилига нисбатан олиб борилган сиёсат. “Конфуций институти”нинг фаолияти.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *муаммоли таълим, кластер, диаграмма, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

### **3-мавзу. Тил вазияти, уларнинг турлари. Тил вазиятининг ўзгаришига таъсир етувчи омиллари.**

ХХРда шеваларнинг юзага келиши, ривожланиши билан боғлиқ тарихий босқичлари, тил вазиятини шаклланишидаги хусусиятлари кўриб чиқилади. ХХРда шеваларни қиёсий - типологик таҳлили.

ХХРда мавжуд шеваларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари, грамматик, лексик, семантик хусусиятлари ўрганилади, Шева тилларининг пайдо бўлишига кўра, географик жойлашувига кўра таснифлаш.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, БББИ, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

### **4 мавзу. Ўрганилаётган мамлакатда тил сиёсатининг вазифалари ва тил ислохатлари, тил сиёсатининг концепсияси. Хитойда тил вазиятининг тарихий асослари**

Хитой “умумқўлланувчи тил” (путунгхуа) ни даврлаштириш масалалари. Сўзлашув (оғзаки) *бай хуа* ва *вэнян* ёзма адабий тил. Ҳар бир даврдаги ўзлаштирилаётган тилнинг расмий, амалий, юридик ва ижтимоий ўрни, икки тиллилик масалалари. Ўзлаштирилаётган тилнинг луғат таркиби, хитой тилига ўзга тиллардан кириб келаётган сўзларни қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар

Қўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

#### **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган саволларга ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (асосли аргументларни тақдим қилиш,

эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

«**КЕЙС-СТАДИ**» методи. «Кейс-стади» – инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима- натижа (What).

**Таълим жараёнида интерактив методлардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширадиган инновацион усулдир.**



## «Кейс методи»ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<p><b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>* кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>* ахборотни умумлаштириш;</li> <li>* ахборот таҳлили;</li> <li>* муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<p><b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>* муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>* асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<p><b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>* муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>* ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>* муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>



<p><b>4-босқич:</b> Кейс</p> <p>ечимини ечимини</p> <p>шакллантириш ва асослаш, тақдимот</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>* муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>* ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>* якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>
--	---

**Кейс.** Талабаларга аудиторияда мустақил иш бажариш топширилди. Талабалар мустақил ишни бажараётганлирида битта талаба бошқа талабаларга халақит бериб, барчанинг диққатини чалғита бошлади.

## Сизнинг харакатингиз....

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар

- \* кейсдаги муаммоли вазиятни юзага келтирган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда);
- \* мобил иловани ишга тушириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфт-жуфт бўлиб ишлаш)

### «ФСМУ» методи


**Методнинг мақсади:** Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзу юзасидан саволларга жавоб олишди, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Методни амалга ошириш тартиби:** иштирокчиларга мавзуга оид якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади; ҳар бир иштирокчига ФСМУ методи босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади: иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

<b>Ф</b>	фикрингизни баён этинг
<b>С</b>	фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
<b>М</b>	кўрсатган сабабингизни мисоллар орқали далилланг
<b>У</b>	фикрингизни умумлаштиринг

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

## «ВЕНН ДИАГРАММАСИ» методи



**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки асос) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадilar;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадilar ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## «БЛИЦ-ЎЙИН» методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан

иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги –якка баҳо|| колонкасига

белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини –гуруҳ баҳоси|| бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.


3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва талабалардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.



**«ХУЛОСАЛАШ» (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Жумладан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва 15 семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**Намуна:**

<b>афза</b>	<b>камч</b>	<b>афза</b>	<b>камч</b>	<b>афза</b>	<b>камчи</b>
<b>ллиги</b>	<b>илиги</b>	<b>ллиги</b>	<b>илиги</b>	<b>ллиги</b>	<b>лиги</b>

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### ТИЛНИНГ АЛОҚА ХУСУСИЯТЛАРИ. ТИЛЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ. ХИТОЙ СОЦИОЛИНГВИСТИКАСИ, ЭТНОЛИНГВИСТИК МАСАЛАЛАРИ

Режа

1. Тилнинг алоқа хусусиятлари.
2. Тилларнинг пайдо бўлиши.
3. Хитой социоллингвистикаси, этнолингвистик масалалари

**Таянч сўзлар ва иборалар:** Этнос, этнолингвистик вазият, тил вазияти, умумдавлат, расмий, кундалик ҳаёт тарзи, ижтимоий табақа, полиэтник муомала, моноэтник давлатлар, билингвизм, диглоссия, умумдавлат, минтақавий, маҳаллий.

##### 1.1. ХХРда яшовчи миллатлар ва элатлар ҳақида маълумотлар

ХИТОЙ, Хитой Халқ Республикаси (хитойча Чжунхуа женьминь гунхэго) , ХХР — Марказий ва Шарқий Осиёда жойлашган **давлат**. Дунёда аҳолиси энг кўп ва майдони жихатидан учинчи ўринда турувчи давлатлардан бири. Шарқда Тинч океanning Сарик, Шарқай **Хитой** ва Жан. Хитой денгизлари билан ўралган. Майд. 9,6 млн. км<sup>2</sup>. Аҳолиси 1 млрд. 292 млн. 750 **минг** киши (2003). Пойтахти — **Пекин** ш. Маъмурий жихатдан 23 провинция (Хитой Тайпейи ҳам шу ҳисобга киради), 5 мухтор район ва марказга бўйсинувчи 4 **шаҳар** (Пекин, Шанхай, Тяньцзинь, **Чунцин**)га бўлинади.

Аҳолиси. Хитой — кўп миллатли давлат. Жами аҳолининг 95% и **хитойлар**; қолган қисми турли **тил** гуруҳи ва оилаларига мансуб бўлган 55 халқдан иборат. Хитойларнинг кўпи мамлакатнинг шарқий қисмида яшайди.

Хуэйлар (7 млн. га яқин) ҳам хитой тилида сўзлашади. Хитойнинг шим. ғарбида туркий тиллар гуруҳига мансуб халқлар — уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар, салорлар ва бош. *шим. ва шим. шарқ*идаги дашт ва чала чўлларда монгол гуруҳига кирувчи халқлардан монголлар, дунсянлар, тулар, *шим. шарқ*ида тунгус манжур халқлари, ғарби (Тибет) ва *жан. ғарби*да тибет-бирма халқлари, жан, дай, таи тилларида сўзлашувчи халқлар ва б. яшайди. Синьцзяннинг жан. ғарбида помир тожиклари ҳам бор.

Диндор хитойлар буддизм (шим. тармоғи), даосизм ва конфуцийчиликка эътиқод қилади. Тибетлар ва монголларнинг дини — буддизм-ламаизм. Хуэйлар ва туркий гуруҳга кирувчи халқларнинг кўпчилиги ислом динининг сунна мазҳабига эътиқод қилади (помир тожиклари исмоилия мазҳабида). Расмий тил — хитой тили. Йирик шаҳарлари: Шанхай, Пекин, Тяньцзинь, Люйда, Ухань, Чунцин ва б.<sup>1</sup> —

Ушбу энциклопедик маълумотлар орқали Хитой давлатида яшовчи халқлар ва уларнинг жуғрофий-худудий жойлашувлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Хитойда яшовчи 55 та этник гуруҳлар номлари қуйидагилар: : чжуанлар, хуэйлар, уйғурлар, илар, мяолар, маньчжурлар, тибетлар, монголлар, туцзялар, буилар, корейслар, дунлар, яолар, байлар, ханилар, қозоқлар, тайлар, лилар, лисулар, шэлар, лахулар, валар, шуйлар, дун-сянлар, насилар, тулар, қирғизлар, цянлар, даурлар, цзинполар, мулаолар, сиболар, саларлар, буланлар, гэлаолар, маонанлар, тожиклар, пумилар, нулар, ачанлар, эвенклар, цзинлар, бэнлунлар, ўзбеклар, цзи-нолар, югурлар, баоанлар, дулунлар, ороchonлар, татарлар, руслар, гаошанлар, хэчжэлар, мэнъбалар, лобалар ва ҳозирга қадар рўйхатга киритилмаган Тибетда яшовчи кичик миллат вакиллари мавжуд.

---

<sup>1</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xitoy-uz/>



Булар орасида энг кўп сонли этник гуруҳ чжуанлар бўлиб, уларнинг аҳоли сони 13,38 млн.кишини ташкил этади. Энг кичик этник гуруҳ вакиллари – лобалар бўлиб, уларнинг сони 1 минг кишини ташкил этади<sup>2</sup>.

Хитойда яшовчи этник гуруҳларни истиқомат қилаётган манзиллари бўйича нисбатан қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Ханлар-бутун мамлакат бўйлаб тарқалган, бироқ асосий кўпчилиги Хуанхэ, Янцзы и Чжуцзян дарёлари бассейнларида ва Сунляо текислигида(шимоли шарқда) яшашади.

Кичик этник гуруҳ вакиллари Ички Монголия, Тибет, Синьцзян-Уйғур автоном районида, Гуанси-Чжуан и Нинся-Хуэй автоном районларида, шунингдек Хэйлунцзян, Цзилинь, Ляонин, Гань-су, Цинхай, Сычуань, Юньнань, Гуйч-жоу, Гуандун, Хунань, Хэбэй, Хубэй, Фуцзянь ва Тайвань провинцияларида яшайдилар. Юньнань провинциясида 20 млн.га яқин турли кичик миллат вакиллари яшайди. Корейс миллатига мансуб аҳоли Цзилин провинциясининг Янбян округида яшашади, Туцзя ва Мяо вакиллари Хунан провинциясининг шарқий қисмларида яшайдилар, Лилар Хайнан оролида, Гуандун провинциясида истиқомат қилишади. Хитойда кичик миллат жамоаларининг катта миллат гуруҳлари орасида аралашиб, ёки алоҳида-алоҳида бундай жойлаштирилиши давлат сиёсатининг ўзига хос шакли ҳисобланади.

## ТИЛ СИЁСАТИ ТУШУНЧАСИ

**Тил сиёсати** давлатнинг ички сиёсати, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий жараёнлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, шу кўринишларга тескари таъсир этиш қудратига ҳам эгадир. Тил сиёсатининг асосий мазмуни – давлат тили (ёки тиллари)ни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Давлатдаги ҳамма мулоқот турларига хизмат қилувчи функционал тақсимланган тиллар тизими ва уларни фаолият шакллари ўзига хос сўзлари ва ифодалари билан умумий фарқ қиладиган шева адабий тил вазияти, деб аталади<sup>1</sup>.

<sup>2</sup> <http://china.kulichki.net/figures/nationality/059.shtml>

1) Тил вазияти жамиятининг тил ҳаёти билан боғлиқ хусусиятларини, хусусан, тилларнинг шакли ва фаолият шартларини, уларнинг ижтимоий ишлатиш соҳаларини тартибга солади. Айрим ҳолларда у тилларни ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашади. Бошқа ҳолларда аксинча тил сиёсати, тилларнинг ривожланишини сунъий тўхтатади, уларни нормал фаолиятига тўсқинлик қилади, бу эса маданий турғунлакка, миллатлараро низоларга, ҳукмрон миллат тили томонидан дискриминатсия остидаги миллат тилларини зўрлик билан сиқиб чиқаришга олиб келади. Шунинг учун тил вазияти лингвистларнинг диққат ва чуқур таҳлил объектига айланган. ХХРда бирор – бир миллатнинг тили расмий тил сифатида эътироф этилмаган бўлса-да, аммо Умум миллий (хан миллат номидан) давлат тили вазифасини бажаради.

### **ТИЛ ВАЗИЯТИ ТУШУНЧАСИ**

2) **Тил вазияти** – социолингвистикани ўрганишдаги асосий тушунча ва тадқиқот предметларидан бири ҳисобланади. Зеро, кейинги пайтларда глобаллашув жараёнларининг кучайиб бораётганлиги боис тил вазиятига фаол таъсирини ўтказувчи асосий омилга айланмоқда.

3) Тил вазияти бу мавжудликнинг ўзига хос шакли (шунингдек кўриниши) бўлиб, бир тилнинг ёки ўзига хос ўхшаш тилларнинг худудий ижтимоий муносабатлар ва алоҳида белгиланган географик худудлар ёки маъмурий-сиёсий таълимдаги функционал ўзаро таъсирларидир.

Л.Б. Николскийнинг алоҳида тил вазиятига нисбатан берган соддалаштирилган кўргазмаси бўйича, тил вазияти деб тилларнинг функционал тарқалиши ва мавжуд бўлиш шакллари (адабий тил, диалект, жаргон ва ҳ.к)га нисбатан айтилиб, улар мамлакатдаги бутун мулоқотга хизмат қилади. Унинг пайдо бўлиши ва кейинги шаклланиши турли вазиятларга бўйсуниб, жумладан, ўзаро тил муносабатлари ва нотил (ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, психологик,

---

<sup>1</sup> Сердюченко Г.П. К вопросу о квалификации народов и языков Китая: «Советское востоковедение» 1957 №4; Зарубежный Восток: языковая ситуация и языковая политика: «Справочник». –М., 1986, –С.5.

тарихий, географик ва бошқа) омилларига ҳам боғлиқ бўлади. Тилларнинг функционал тарқалиши ва уларнинг сақланиб қолиш шакллари (униси ҳам, буниси ҳам бундан кейин қисқача тарзда тил таълими деб аталади) бу – муомала муҳитига алоқадордир. (масалан, умумдавлат расмий тил ва норасмий кундалик тил, касб-ҳунарга доир ва кундалик – маиший тил).

Тил таъминотининг қанча ва қандай мулоқот тизимларида ишлатилишига қараб, қуйидагиларга бўлинади.

а) этник гуруҳлараро тиллар (кўпмиллатли давлатнинг этник гуруҳлари мулоқотини таъминловчи) яъни умумдавлат тиллари (бир миллатли давлатнинг диалектуал жамоалараро мулоқотида ишлатилувчи тиллар);

б) ҳудудий тиллар (мамлакатнинг ҳудудий қисмларидаги диалектуал жамоаларининг этниклараро муомаласи ёки коммуникатсиясида ишлатиладиган тиллар);

в) маҳаллий тиллар (диалектуал жамоалар ичидаги ички этник мулоқотни таъминловчи восита ёки коммуникатсия).

Шунингдек, касб - ҳунарга оид тиллар таълими (жумладан фан тиллари) ва маълум динга хизмат қилувчи алоҳида тилларга (Қуръон, араб, ҳозирда ўлик пари тили, ислом, буддизм, индуизмга алоқадор санскрит тиллари) ҳам бўлинган ҳолда алоҳида қўрсатилиши мумкин.

Тиллар таълими – мулоқот вазиятидаги компонентлар сифатида – қабул қилинган атамашунослик акс этгани каби ишлатилиш даражаси билан фарқланади.<sup>3</sup> Масалан, этник гуруҳлараро тиллар барча этник муомалада, маҳаллий тил эса этник жамиятнинг фақат кундалик - маиший муомаласидагина фойдаланилади.

Тил – ижтимоий феномен сифатида ривожланиб боради ва мавжуд бўлади. Унинг асосий вазифаси одамлар жамиятининг эҳтиёжини таъминлаш, айниқса, биринчи галда кичик ва катта ижтимоий жамоалар ўртасидаги ўзаро

---

<sup>3</sup> 中国文化常识/ 暨南大学出版社 2001/Ван Цан. Национальности Китая: «Межконтинентальное издательство Китая». –Пекин., 2004. –С. 210 .

мулоқотни таъминлаш, шунингдек, мазкур жамоанинг жамоавий хотирасини шакллантиришдан иборатдир. Айрим бир шахснинг тилига доир ва умумий хулқи ва ахлоқининг ўзига хослиги билан ижтимоий далилларга алоҳида боғлиқ ҳолда кўринади.

Тил ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари муаммоси ўзида тилнинг кўплаб қирралари билан боғлиқ жиҳатларини ўзида қамраб олади. Ва уларни куйидагича гуруҳлаш мумкин.

1. Тилнинг ижтимоий бирлиги: «Тилнинг жамиятдаги вазифаси», «Тилларнинг ижтимоий тараққиётдаги асосий йўналишлари», «Тил ва халқнинг тарихи»;

2. Тилнинг жамоатчилик институтлари ва жараёнларига муносабати: «Тил ва маданият»; «Тил ва дин», «Тил ва илмий-техник тараққиёт»; «Тил ва мактаб», «Тил ва оммавий ахборот воситалари»; «Тил ва мафкура», «Жамиятнинг тилга таъсир этиш имкониятлари» ва ҳ.к.

3. Тилнинг жамиятда вариантлашуви: «Функционал вариантлар (тилнинг мавжудлик шакли), «Тил ва жамиятнинг ҳудудий дифференцияси», «Сўзлашувчиларнинг тили ва ижтимоий роли» ва ҳ.к.

4. Тилнинг кўп этник гуруҳли жамиятдаги ўзаро таъсири: «Тиллар ва этнослар», «Тилли вазиятлар», «Миллийлик ва тил сиёсати», «Тиллараро алоқалар», «Ижтимоий аспектдаги кўптиллилик.

Мазкур муаммолар тадқиқи билан социолингвистика шуғулланади, шунингдек, этнолингвистика, стилистика, риторика, тил муомаласи назарияси, нутқ этнографияси ва ҳақозолар натижасида юзага келган вазиятларни ҳам социолингвистика ўрганади.

Ҳар бир тилнинг тарихи шу тилда сўзлашувчи халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Тил миллатнинг шаклланишида алоҳида муҳим ўрин тутди. Ўзаро муносабатлар тасвирланаётганда, яъни асл ижтимоий жамоадаги турли тилларнинг вариантлари ёки турлари хусусида сўз борганда, тил вазиятлари тўғрисида сўз боради.

## ТИЛ вазияти ва ТИЛ сиёсати алоқадорлик масаласи

Тил вазияти ва тил сиёсатининг алоқадорлик масаласи деганда, кўпроқ давлатнинг бошқарув доиралари, сиёсий партияларнинг тил сиёсатига бевосита таъсири назарда тутилади.

Тил сиёсати атамаси моҳиятида эса, тил вазиятини ўзгартириш ёки сақлаб қолишга йўналтирилган чоралар тизими тушунилиб, унда истеъмолдаги лингвистик меъёрларни ўзгартириш ёки барқарорлаштириш, адабий тилларни меъёрлаштириш, уни лексика ва атамашунослик билан бойитиш масаласи ҳам тушунилади.

Бошқача айтганда, тил сиёсати – жамият нуқтаи назаридан қараганда давлатнинг тил муаммоларини ҳал қилишга доир мафкуравий тамойиллар ва амалий тадбирлар бирлигидир.

Кўп миллатли давлатда тил сиёсатининг алоҳида мураккабликлар билан фарқланиши шундаки, бунда кўптиллилиқ, миллий таркиб ва миллатлараро муносабатларнинг ўзига хослиги, алоҳида тиллар ва уларни жамиятда сўзлашувчиларнинг роли каби омилларни ҳам албатта ҳисобга олмай бўлмайди.

Тил сиёсати тизимидаги мафкуравий тамойиллар ва амалий тадбирлар ўзаро боғлиқ ва ажралмасдир, чунки тил сиёсати миллий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у асосий жиҳатлари билан кейинги умумий тамойилларга боғлиқ бўлади.

Замонавий босқичдаги *тил сиёсати* муаммоларнинг мураккаблик даражасига қараб ишлаб чиқилади – бу эса умумдавлат ва этник гуруҳлараро тилларни танлашдан тортиб амалий нормализаторлик ва сўз ясовчилик фаолиятларини ҳам ўз ичига олади. *Тил сиёсати* давлатнинг ички сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий-сиёсийлик ва маданий-мафкуравий жараёнларга боғлиқ ҳолда уларга тескари таъсир ҳам эта олади.<sup>4</sup>

---

<sup>4</sup> Елбнин И. М. Национальная политика в КНР // Народы Азии и Африки №5, 1973. –С.. 24-35.

*Тил сиёсати* жамиятнинг тилга нисбатан онгли муносабати билан боғлиқ бўлиб, шу нуқтаи назардан ўзида услубий ва ижтимоий таркибнинг умумий ифодаси бўлиб, у ёки бу давлат сиёсий тизимининг функционаллашуви, ривожланиши ва тилларни ўзаро таъсири, уларнинг маълум бир халқ ёки халқлар ҳаётидаги ролини белгилайди. Тил сиёсатининг диққат марказида эса кенг ижтимоий ва мафкуравий аҳамиятга эга йирик муаммолар туради; тез-тез ўзгартиришлар ва ислохотларнинг ҳаммаси ҳам (масалан, орфография, нутқ маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ва ҳ.к.) унга таъсир этиш тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлавермайди.

Тил сиёсати энг аввало лексик семантик тизимга, айниқса умумий-сиёсий лексика, шунингдек, адабий тилнинг стилистик дифференциялашуви, тилнинг диалектик умумлашуви ва диалектик фарқнинг йўқолиб боришига давлат томонидан ишлаб чиқилган орфографик ислохотларга таъсир қилади.

Маданият соҳасидаги мафкуравий мақсадларга мувофиқлашган ҳолда синфларнинг белгиланишида тил сиёсати режали бўлиши мумкин (собик шўро илмий адабиётида бундай сиёсат тил қурилиши деб аталарди; ғарбий европа ва америка адабиётида «тилни режалаштирув» термини ишлатилган) ва ретрорежали (тил ва нутқ маданияти) кўринишида бўлади. Ҳозирги замонда бундай масалалар ечими биринчи навбатда миллатлар, халқлар ва уларнинг тилларидаги амалий тенг ҳуқуқлилиқни таъминлайди. Шунингдек, у истеъмолдаги миллий тилдан миллий давлатчилиқни яратиш, она тили асосидаги миллий маданиятни ривожлантириш ва бунинг учун зарур бўлган шартномаларни таъминлашни ўз ичига олади. Бундан ташқари у она тилида оммавий коммуникация (матбуот, радио, телевидение, кино), шунингдек, расмий рўйхатга олиш ва иш юритишни қабул қилади.

Кўп тилли давлатда тил вазияти ва тил сиёсати бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита ўзаро таъсир эҳтиёжларини ифодалайди, яъни идентик (бирхиллаштириш) ва ўзаро тушуниш эҳтиёжларни.

Биринчи эҳтиёж ҳар бир инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўз она тилидан фойдаланиш истаги – яъни, эрта болалиқдан онгсиз равишда ўзлаштирилган тилни ифодалайди. Идентиклик билан боғлиқ бўлган идеал вазият бу – бир тиллиқдир. Иккинчи эҳтиёж эса исталган киши билан ҳеч қандай муаммосиз мулоқотда бўлишда тушунилади. Ўзаро тушуниш билан боғлиқ бўлган идеал вазият – бутун ижтимоий жамоада битта умумий тилдан фойдаланишдан иборат.

Феодал даврида юзага келтирилдиган тил сиёсати халқларни мавҳ этганлар томонидан ўрнатиларди (ўзга тиллик ҳудудларда ўрта асрлар давридаги араб ёки форс тилларининг тарқалиши).

Буржуа мафкурасига асосланган турли тарихий ўзгаришлар давридаги тил сиёсатида давлат тизими эътиборидан ташқари бўлган миллий камчиликни ташкил этувчиларнинг диалекти ва тиллари амалиёти ётиб, бу эса ўз ўрнида тиллар ва диалектларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлган, бир сўз билан айтганда, фақат миллий кўпчиликни ташкил этувчи миллат тилига нисбатангина тил ихтиёрийлиги сиёсати кам сонли халқлар тилидан фойдаланишнинг чегараланганлиги сиёсатида эзилган халқларнинг маданияти ва тилларига нисбатан эътиборсиз муносабатдаги сиёсий «вестернизатсия»ни келтириб чиқаради. (масалан ривожланган давлатларнинг собиқ колониал тизимлар тилига асосланган ҳолда уларнинг кенгайтирилган тизимларда сақланиб қолишига уриниши).

Америкалик сотсиолингвистлар. АҚШга нисбатан тил хилма хиллиги ҳақида эмас, айнан тилнинг маҳаллийлиги ҳақида гапиришни афзал биладилар; бундай тил сиёсати миллатнинг маданияти, халқнинг умумий-сиёсий ҳаётига нисбатан тилнинг роли ва унда сўзлашувчилар ҳаётига доир масалаларга иллюзион эркин ёндашувни яратар экан, аслида эса давлатни муте халқларнинг тили тўғрисидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ғамхўрлигидан озод қилиб келади ҳамда давлатни миллий камчиликни ташкил этувчилар, шу тилни ишлатувчилар ҳаётидаги роли ва аҳамиятига нисбатан тўғри баҳо бермаслик, бу

тилларнинг ривожланишига, уларнинг ижтимоий функцияларининг кенгайишига таъсир этиш жараёнларига қарши раддияни юзага келтиради.

Давлатнинг тил сиёсати бир мунча ёки нисбатан қаттиқ бўлиши мумкин, аммо унинг асосий мазмуни – давлат тили (ёки тиллар)ни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Ҳозир кўпгина мамлакатларда сиёсат маълум маънода юмшаган, камчиликнинг тил ҳуқуқлари қонунчилик томонидан қувватлана бошланган. Бироқ шундай бўлса-да, асосий вазифа давлат тилини кенг жорий қилишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Турли давлатлардаги тил сиёсати ҳам бир-биридан фарқланади.

Аммо тил вазифатларини ўрганиш – рационал тил сиёсатини танлашдаги муҳим йўналишидир, таъсирчан давлат тил сиёсатини ишлаб чиқиш эса мавжуд тил вазиятига нисбатан бир хил баҳо берилишини талаб этади.

Жаҳондаги мавжуд тиллар албатта қайсидир бир халқ, эл, элат, миллат, қабила, ҳеч бўлмаганда бирор уруғнинг тили эканлиги шубҳасиз. Дунё харитаси Ер шарининг инсоният истиқомат қилувчи қуруқлик қисмини акс эттиради. Бу харитага назар ташланар экан у инсониятнинг неча минг йиллик қўхна тарихини ёдга солади.

Тил сиёсати давлатнинг ички сиёсати, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларга ижобий ёки салбий таъсир этиш кучига эгадир. Хитойда тил вазияти қуйидагича таснифланиши мумкин:

1. Хитойда яшовчи кичик миллатлар тилларининг расмийлашмаганлиги.

2. Путунгхуа тилининг Хитой давлат тилига асос этиб олинганлиги.

Тил вазияти дейилганда “Бир тил ёки бир неча тиллар мажмуасининг ўзлари мавжуд бўлиб турган территорияда ижтимоий-худудий, маълум



жуғрофий ёки маъмурий-сиёсий ташкилотлар худудида эса ижтимоий-сиёсий муносабатларда бўлиб туриши тушунилади”<sup>5</sup>

Кўпмиллатли давлатда тил сиёсати – унинг миллий сиёсатининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Жамиятнинг тил ҳаёти характери, жумладан тилларнинг мавжудлиги шакллари ва шартларини, уларнинг ижтимоий қўлланилиш соҳаларини тартибга солар экан, тил сиёсати тил вазиятига бевосита таъсир кўрсатади. Баъзи пайт у тилларнинг ривожланишига ,тил эгаларининг маданият даражаси ўсишига ёрдам берса,айрим пайтларда аксинча тилларнинг тараққиётига сунъий тўсиқлар яратади ҳамда уларнинг нормал ҳолатда бор бўлишига халал беради, бундан маданий турғунлик,миллатлараро низолар,кичик миллатлар тилларини ҳукмрон миллат тили томонидан ҳақсизлантириб,сиқиб чиқарилиши каби нохушликлар келиб чиқади<sup>6</sup>.

### **XXРда тил вазияти ва тил сиёсати хусусиятлари**

Хитой тили тарқалган ҳудудда тил вазияти иккита асосий унсурдан иборат:

1. Хитойда узок давр мобайнида феодализм ҳукмронлиги сабаб бўлган хитой тили шеваларининг кўплиги.

2. Путунхуа ривожланаётган умумхалқ миллий хитой тили. Айрим ҳудудларда шевалараро мулоқот воситасини бажарувчи йирик сиёсий марказ шевалари (Пекин, Шанхай, Гуанчжоу ва ҳоказо) Хитой тили вазиятида аниқ ўринни эгаллаган. Худди шу аҳамиятга уезд шевалари ҳам эга бўлиб, ушбу уездга кировчи ҳамма қишлоқлар аҳолиси учун мулоқот воситасини бажаради<sup>2</sup>.

Ривожланган Хитой давлати 21- асрга келиб Шарқнинг буюк мамлакатига айланди, десак муболаға бўлмайди. Бу мамлакатнинг самарали тажрибасини ўрганиб, ундан керакли хулосалар чиқара олиш бугунги қўшни давлатлар афкор оммаси олдидаги вазифалардан ҳисобланади. Улкан тарихий

<sup>5</sup> Каплунова М.Я. Языковая политика и функциональное развитие языков в КНР.С.47.

<sup>6</sup> Москалев А.А. Политика КНР в национально языковом вопросе. Москва, изд. “Наука”,1981.стр.3.

<sup>2</sup> Астрахан Е. Б. Диалекты и национальный язык в Китае : Наука. – М., 1985. –С.3-25.

меросга эга бўлган Хитойни бемалол бугунги кунда Шарқ тараққиёти ва цивилизацияси бўйича устоз дея олиш мумкин. Замонавий кремний водийсига асос солиб, энг ривожланган На-На технологиялар асрида пешқадамлик қилаётган бу давлат амалда бошлаган ишлари мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсата олган илғор сиёсат эгаси бўлиб турибди. Бугунги Хитойдаги тил вазияти масаласида тўхталар эканмиз, аввало мавзунинг қуйидаги жиҳатларига назар қаратишни ўз олдимизга вазифа қилиб олсак ва шу масалаларга атрофлича тўхталсак, деган умиддамиз. Ғарб ва Шарқ синологларининг жамлаган материаллари, ёзган илмий ишлари, тадқиқотлари ҳамда мақолаларидан иқтибослар келтириб, кўпфиррилилик тамойили асосида фикр юритишга уринамиз. Амалда у ёки бу масала бўйича тўғри хулосага келиш учун биргина шахсий фикр етарли бўлмайди. Бу масалага ёндошганда ўз илмий салоҳияти ва тафаккури имкониятларидан келиб чиқиб, амалда ўзи яшаб турган давлатда муайян масалага муносабат нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда фикр билдиради. Тарихда дунё сиёсати дастуриламалари даражасига кўтарилган илмий ишлар борлиги аён. Давлат раҳбарларининг ташқи ва ички сиёсатлари ҳам ана шундай илмий асарлардаги фикрларни инобатга олган ҳолда юритилганлик ҳолатларига кўп мисоллар топса бўлади. Хитойдаги замонавий тил вазияти мавзусига ойдинлик киритишда қуйидаги масалаларга тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Хитой мамлакати ва унда яшовчи миллатлар ва элатлар ҳақида маълумотлар.

2. Хитой тил вазияти масаласига тўғри ечим топишда Хитойда мавжуд бўлган анъанавий фалсафий-илмий мактаблар, таълимотлар, институтларнинг ижобий аҳамияти.

3. Хитой давлатининг кўпмиллатлилик ва кўптиллилик вазиятида тутган позицияси.

4. ХХРда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни.

5. Хитой иқтисодий юксалишининг иқтисодий омилларини жаҳон аренасига олиб чиқишда хитой тилининг ўрни, уни янада такомиллаштириш учун Хитой давлати ва ҳукумати амалга ошираётган дастурларни ўрганиш сабоқлари.

6. Ўзбекистон Республикасида кўп миллатлилик, байналмилал алоқаларни барқарорлаштиришда Ғарб ва Шарқ амалий тажрибаларини умумлаштириш методи ва унинг ижобий натижалари.

### **Хитой тил вазияти масаласи ва унинг ижобий аҳамияти**

Хитой дунёдаги энг кўп аҳолига эга бўлган давлат ҳисобланади. 2019-йил маълумотлари бўйича ушбу мамлакатда 1млрд.400 млн.50 минг киши истиқомат қилади. Аҳолининг 60,6 фоизи шаҳарларда ва қолган 39,4 фоиз қисми қишлоқларда яшайди. Хитой аҳолисининг 51,1 фоизи эркаклардан иборат<sup>7</sup>.

Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганга қадар у ерда яшовчи кичик миллатлар тиллари функционал ривожланишини тадқиқ этиш масаласига унчалик эътибор қаратилмаган ва шу сабабли кичик миллатлар тил вазияти борасида маълумотлар етарли эмас эди. ХХР ташкил топгандан кейинги дастлабки йилларда, яъни 1956-1960- йилларда мамлакатда яшовчи миллатларнинг тил вазиятини ўрганиш борасида кенг салмоқли тадқиқот ишлари бошланди. Ҳозирги вақтда хитойлик социолингвистлар ҳар йиллик ҳисобот ишларини олиб боришмоқда. 2012-2014-й.й.да Дай Цинся раҳбарлигида Пекин Миллатлар марказий Университетида Хитойнинг Юннань провинциясида кичик миллий тилларни тадқиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда<sup>8</sup>.

---

<sup>7</sup> <http://kg.china-embassy.org/rus/zggk/t660364.htm>

<sup>8</sup> Каплунова М.Я. Языковая политика и функциональное развитие языков в КНР.С.35.

## 1.2. ХХРнинг дунёдаги таъсирини оширишга қаратилган маданий-таълим воситалари

Ҳозирда ХХРнинг дунёдаги таъсирини оширишга қаратилган маданий-таълим воситалари таъсири нуқтаи-назаридан Хитойнинг дунёдаги таъсирини белгилаб берувчи савдо-иқтисодий, сиёсий воситалар билан бирга бошқа давлатларнинг хориждаги маданий-таълим воситаларига ўрнини бўшатиб беради. 2010 йилда “Хитой” журналига берган интервьюсида Хитойнинг Россиядаги элчиси Лю Гучан: “Россияда Хитой маданиятининг тарқалиши ҳозирча етарли даражада эмас... Биз ҳозирча рус халқини қизиқтирадиган, ўзига тортадиган маданият маҳсулотини етказиб бера олмаяпмиз”,-деган фикрларни айтиб ўтган эди. Бу борада Хитой учун маданиятни хорижда тарғиб қилишдан кўра кўпроқ давлат ичида маданиятни сақлаб қолиш масаласи кўпроқ долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳозирда хитойда фойдаланилаётган қуйидаги маданий-таълим воситаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

*1. Хитой тилининг тарқалиши.* Хитой тили – дунёда энг кўп фойдаланиладиган тилдир. У 1,5 млрд.дан ортиқ одамлар учун биринчи тил ҳисобланади (испан тили – 500 млн.дан ортиқ, инглиз тили эса – 400 млн.га яқин одамлар учун). Хитой тилида ХХРнинг ўзини аҳолисидан ташқари Индонезия, Сингапур ва Малайзия давлатларининг кўпчилик аҳолиси ҳам гаплашади. Хитой тилининг мураккаблигига қарамасдан охириги йилларда ундан фойдаланувчиларнинг сони ортиб бормоқда, бу эса аввало Хитой билан иқтисодий алоқаларнинг ўсаётганлиги билан боғлиқдир. Шу муносабат билан объектив равишда хитойлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда хитой тилини ўргатишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. ХХР дунёдаги хитой тилига бўлган эҳтиёжни марказий ва ҳудудий маҳаллий ҳокмият органларининг ҳомийлиги остида амалга ошириладиган турли таълим

дастурлари орқали қондириб келмоқда. ХХР ҳукумати ҳар йили хитой тилини ўрганмоқчи бўлган хорижий талабалар учун стипендияларни ташкил қилиб келмоқда. Бундан ташқари, кўплаб одамлар Хитойга ўз ҳисобларидан тил ўрганиш учун келмоқдалар. 2008 йилда ХХРда 189 та хорижий давлатдан 223 мингта талаба (2007 йилда – 195 мингта) таълим олди.

2. *Конфуций институти.* Хитой маданияти ва тилини хорижий давлатларда тарқалишини таъминлаш мақсадида Хитой ҳукумати маданий-таълим марказлари – Конфуций институтларига молиявий ва техник ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Илк бора тажриба тариқасида Конфуций институти Тошкент шаҳрида 2004 йилда ташкил этилган эди. 2009 йилга келиб 88 та давлатда 282 та Конфуций институти фаолият кўрсатаётган эди. Хитой Таълим вазирлигининг маълумотларига кўра 2020 йилга келиб 500 дан ортиқ Конфуций институтини очиб режалаштирилмоқда.

3. *Хорижда таълим.* Хитойда профессионал карьера қилиш учун хорижда таълим олиб келиш фойдали, деб ҳисоблашади. Синьхуа информатсион агентлиги томонидан нашр этилган маълумотларга мувофиқ, Хитой институтлари ректорларининг 77,7%и, Хитой Фанлар академиясининг 84% аъзолари, Хитой инженерлик академиясининг 75 %и, барча Хитой фан докторларининг 62%и хорижда стажировкани ўташган. Бу соҳадаги Хитой учун энг катта муаммо шундаки, шу йўналишда хорижга кетганларнинг кўпчилиги қайтиб келмаяпти. 1978 йилдан 2008 йилгача вақт оралиғида ҳаммаси бўлиб хитойликлардан 1,4 млн. одам хорижда таълим олган бўлса, ундан 390 мингтаси қайтиб келган. Шу билан бирга, хорижга ўқиш учун кетаётган талабаларнинг сони кундан кунга ортиқ бормоқда. 2001 йилда 25 мингта хитойлик талабалар хорижга ўқиш учун кетган бўлишса, 2008 йилда 180 мингта талаба кетган, улардан 90%и ўз ҳисобидан таълим олишган. Хитойлик талабалар орасида энг кўп тарқалган хорижий ўқиш жойлари асосан АҚШ (деярли ярим хитойлик талабалар таълим олмоқда), Буюк Британия, Австралия, Канада, Германия, Франция, Японияда жойлашган.

4. *Хитой диаспораси.* Хитойдан ким ва қачон иммиграция қилган бўлишидан қатъий-назар, ҳаммаси ватанпарвар бўлиб, ўзлари яшайдиган оилада, ҳудудда ўз маданиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади. Турли хил фикрларга кўра, дунёда хитойлик дисапораларнинг сони 40 млн.га яқин, улардан 78,7%и Осиёда, 15,4%и – Америкада, 4,1%и – Европада, 1,7%и – Океанияда, 0,3%и эса – Африкада истиқомат қилади. Хитой ҳукумати хитойлик хориждаги диаспоралар орқали аввало хорижий давлатлардаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун таянчли ҳосил қилишда фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

5. *Ижтимоий тадбирлар.* Хитойга ва Хитой маданиятига бўлган қизиқишни охириги йилларда ХХРда бўлиб ўтган ва ўтаётган маданий-ижтимоий ва спорт тадбирлари орқали ҳам рағбатлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Хитойлик спортчиларнинг 2008 йилда Пекинда бўлиб Олимпиададаги муваффақиятлари, 2009 йилдаги ХХРнинг ташкил этилишига 60 йил тўлиши муносабати билан Тяньаньмэнда бўлиб ўтган намоиш, Шанхайдаги ЭКСПО-2010 кўргазмаси кабилар доимий равишда дунё ҳамжамиятининг Хитой ва хитойликларга бўлган қизиқишини ошириб бормоқда.

Хитойнинг дунёдаги таъсири ошиб бориши турли давлатларда турлича реакция уйғотмоқда. Пекин учун ушбу жараён ўзига хос хусусиятга эга ҳисобланади.

*Биринчидан,* ХХР учун ўзининг таъсирини дунёда ошириш борасидаги энг асои ва биринчи навбатдаги масала бўлиб Хитойнинг ўзини “бир давлат” принципига мувофиқ бирлашиши ҳисобланади. Бу ўринда марказий муаммо Тайваннинг қўшилиши масаласидир. Бунинг учун Хитой ҳукумати фақатгина савдо-иқтисодий воситалардан фойдаланиб, Хитой-Тайвань муносабатларида савдо ва молиявий алоқаларини оширишга ҳаракат қилинмоқда, бу эса ўз навбатида Тайвань учун Хитойга қўшилишни янада фойдали эканлигини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, 1997 йилда Хитой таркибига ноёб тарзда

“бир давлат – икки тизим” принципи асосида Гонгконгнинг, 1999 йилда Макаонинг кириши амалий жиҳатдан қуйидагича тавсифланиши мумкин. Хусусан, ХХР таркибига киргандан сўнг Гонгконг ва Макаонинг миллий хавфсизлик масалалари Пекин томонидан ҳал қилина бошланди. Гонгконг ва Макаолар Хитойнинг махсус маъмурий ҳудудий бирликлари мақомини олдилар ва ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва молиявий тизимларини, юрисдикциялари (Гонгконгда – англосаксон ҳуқуқий тизими амал қилса, Макаода – Португалия ҳуқуқий тизим амал қилади), валюта, бож чегараларини (масалан, ХХР фуқароларига Гонгконг ва Макаога бориш учун виза талаб қилинади) сақлаб қолдилар.

*Иккинчидан*, Хитойнинг дунёдаги таъсирини ошириш жараёни – босқичма-босқич олға боровчи кўринишга эга бўлган жараёндир. Пекин ўзининг ички ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилиб бўлгачгина ташқи дунёга ўзининг таъсирини оширишга бўлган ҳаракатларини бошлайди. Ҳозирча эса, келтирилган савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий воситалар Хитойнинг кўпроқ бутун дунёдаги эмас, балки ҳудудий даражадаги (масалан, Осиё, Африка, Океания ва Лотин Америкаси) таъсирни оширишга доир экспериментал воситалар сифатида кўрилиши мумкин.

*Учинчидан*, охириги вақтларда Хитой учун дунёдаги таъсирини ошириш ўзининг ЯИМ ошиши барқарорлигини сақлаб қолиш учун зарурий ҳолат эди. Бироқ Хитой жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошира бошлади, хусусан иқтисодий ўсишнинг ташқи манбаларидан ички истеъмолни рағбатлантириш йўли билан ички манбаларига ўта бошлади. Бундан ташқари, хом-ашёга бўлган қарамлик Хитойни иқтисодиётни инновацияларга асослантиришга, ЯИМда хизматлар ҳиссасини кўпайтиришга мажбурлайди. Ушбу сиёсат Хитойнинг дунёдаги таъсирини ошириш жараёни тезлигини камайтирувчи омил сифатида хизмат қилиши мумкин.

## Назорат саволлари

1. Хитойда тил шеваларининг тарихий шаклланиши босқичлари.
2. Шеваларнинг тил тараққиётидаги ўрни
3. Хитой шимолий лаҳжа хусусиятлари.
4. Хитой жанубий лаҳжа тиллари ва уларнинг грамматик хусусиятлари.
5. Иероглифларнинг шева тиллари тараққиётида тутган ўрни.
6. Иероглифларнинг сиёсий жиҳатлари.
7. Хитойда тил ареалларнинг шаклланиш тарихи ва хусусиятлари.
8. Хитойда тил койнелари.
9. Путунгхуанинг тарихий-географик вужудга келиши.
10. Путунгхуанинг тарқалиш ҳудудлари.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

### 1- амалий машғулот

Ўрганилаётган мамлакатда тил вазияти ва сиёсати

#### **XXРда этновазият ва тадрижий ривожланиш масаласи**

«Тилларнинг ижтимоий вазифасига қараб табақаланишида дунё миқёсида рўй бераётган глобаллашув жараёнлари ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Глобаллашув, яъни бугун дунёнинг фан – техника ва технологиянинг узлуксиз муваффақиятлари натижасида бир бутун курраи заминга айланиши, XIX – XX аср давомида бозор муносабатларининг таъсири кенгроқ жорий этилаётганлиги натижасида халқлар, мамлакатлар, минтақалар ва қитъалар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий алоқалар мисли кўрилмаган даражада жадаллашди ва изчиллик касб этмоқда. Бу жараёнларнинг табиий ҳосиласи сифатида халқлар ва мамлакатлар ўртасида алоқалар ягона умумтилга бўлган эҳтиёжни юзага келтирмоқда»<sup>9</sup>.

Хитой бир неча минг йиллик тарихга эга улкан мамлакат эканлиги ва яна бошқа кўплаб сабаблар синолог тадқиқотчилар диққатини ўзига тортади.

---

<sup>9</sup>Мансурова Г. Тил инсонни яратади // тафаккур 1/2003. 6. 120.



Марказий текислик ва Гуаньчжун қадимдан хитойликлар яшаган илк манзиллар ҳисобланади. Хитой аҳолисининг мазкур минтақа ташқарисига миграцияси (кўчиши) қадим ва ўрта асрлардаги демографик жараёнларнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Асосан **учта**, яъни шимолий, ғарбий, жанубий миграция мавжуд бўлиб, улар ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Хитойлик аҳолининг шимолга илк миграцияси шимолий чегараларни мудофаа қилиш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган. Эрамиздан аввалги 221 - йилга қадар (Цин сулоласи даври), бу даврда Марказий Осиёдаги энг кучли қабила сюнну бўлган. Давлатни уларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида, Ши Хуанди шимолий чегара бўйлаб Буюк деворнинг асосий қурилишларини барпо этди. Унинг қурувчилари Хитойнинг шимолий минтақасидаги биринчи хитой кўчманчилари бўлган.

Хань императори У Ди (эр.авв. 140-87йиллар) ҳукмронлиги йилларида сюннулардан тортиб олинган ерларда, Хуанхэ дарёсининг шимолий оқимлари бўйлаб ҳарбий округлар таъсис қилинган. Хитойлар яшайдиган асосий минтақадан олисда бўлган бу округларга аҳолини кўчириб бориш учун Марказий текисликда яшовчилар мажбурий равишда кўчирилган. Турли сабабларга кўра, Хитой ҳудудига кўчиб ўтган сюннуларнинг уруғлари ва қабилалари чегара округларини ўзларига бошпана қилиб олишган.

Эрамизнинг I асрида **сюнну** сулоласи парчаланди ва шундан кейин Хитойнинг шимолий ерларидаги этник ва демографик ҳолат жиддий равишда ўзгарди. “Жанубий сюннулар Хитойга кўчиб ўтганлар ва чегара округлари ҳамда шимолий Шэньсининг Бэйди округида, шунингдек, Шаньси провинциясининг Тайюань округида яшай бошлаганлар.”

Янги жойларда сюннулар ва улар билан бирга кўчиб келган Марказий Осиёнинг бошқа халқлари ўзларининг анъанавий машғулотлари ва жамоат ташкилотларини узоқ вақт давомида сақлаб келганлар. Лекин вақт ўтиши билан уларнинг кўпчилиги ўтроқ хўжаликка ўтиб хитой маданияти, тилини қабул қилди ва охир-оқибатда маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетди.

Ғарбий миграция шимолий миграциядан фақат баъзи деталлар билан фарқ қилади. Чегаранинг ғарбий қисмидаги хитойларнинг қўшнилари син-тибет оиласи тилларида сўзлашадиган цянлар эди. Улар Хуанхэ юқори оқимидаги водий ва Кукунор кўли ўртасидаги тоғли ерларда яшар эдилар. Бу ердаги чегара ҳудуди ҳозирги Ганьсу провинциясининг шарқий қисмини ўз ичига олган Лунси водийси эди. Табиий географик нуктаи назардан, у Вайхэ ва Гаохэ дарёларининг юқори оқими хавзасидир. Бу водий орқали Чанъандан то Якин Шарққача – Ипак йўли деб номланган трансконтинентал (яъни континентлар орасидаги қатновга оид) алоқа йўли ўтган. Ипак йўлининг буюк имконлари билан қизиққан Хань империяси шу йўл бўйлаб гарнизон ва ҳарбий истехкомлари қурдирган эди. Бу йўл сахро орқали ўтганлиги сабабли, шимоли -

шарқда аҳоли пунктларини барпо этиш амалга ошмади. Ҳарбий округлар бу ерда одамлар доимий яшай оладиган сахро ўртасидаги воҳаларда барпо этилди. Бу жойларга худудий энг яқин бўлган асосан Гуаньчжун аҳолиси келиб жойлашди.

Хан сулоласи ҳукмронлиги охирида бошланган “**Сарик белбоғлилар**” кўзғолони (184-190 йиллар) ва ички урушлар Шимолий Хитой аҳолисининг қисқаришига олиб келди. Бу ҳарбий тўқнашувлар одамларнинг жисмонан қирилиб кетишига, шимолий хитойликларнинг вазияти оғир туманлардан тинч жойларга миграция бўлишига олиб келди. Шимолий Хитойдан мигрантлар етиб бориши мумкин бўлган хавфсиз ўлкалар Янцзининг шимолий қирғоғи юқори оқимидаги ҳозирги Сичуань провинциясидан то шимолдаги Хуанхэ ва Янцзы дарёлари оралағидаги кенг ерлар эди.

Шимолда сиёсий ва ҳарбий ҳолатнинг кучайиши билан Шимолий Хитой аҳолиси жанубга бир неча марта миграция бўлишга мажбур бўлди. Одамларни белгиланган жойларга катта миқдорда кўчиши учун ўша пайтда қуруқликдаги воситалар етарли даражада мукамал эмас эди, шунинг учун қочоқлар асосан сув йўлларида фойдаланишган. Янцзи дарёси ирмоқлари бўйлаб Шимолий Хитой аҳолиси мамлакатнинг турли жануби ғарбий ёки жануби шарқий қисмига келиб қолишган.

Шимолдаги қочоқлар томонидан 318 йили асос солинган - Цзянькан (ҳозирги Нанкин) **Шарқий Цзинь** сулоласининг пойтахти ҳисобланган. IV асрнинг охирига келиб бу ерда **420** минг киши истиқомат қилар эди. Улардан **220 минг киши шимолдан** келганлар эди. IV-V асрларда **Шарқий Цзинь** ерларида шимолдан келган мигрантларнинг умумий миқдори тахминан миллион кишини ташкил қиларди. Улардан тахминан 200 минг киши Шаньдунда, 250 минг киши Янцзининг қуйи қисмида, 170 минг киши ҳозирги Аньхуэй провинциясида, 100 минг киши ҳозирги Сичуань провинциясида истиқомат қилар эди.

Туб аҳоли ҳануз истиқомат қиладиган ерларда оммавий миграцияларнинг бўлиши, Шимолий Хитойга Марказий Осиёда турғун мулоқот минтақаларининг вужудга келиши ва қадим хитой тилининг турли диалектларини ташувчи аҳолининг янги худудий гуруҳлари шаклланишига олиб келди. IV асргача хитой тилининг Марказий Осиё халқлари тили билан алоқаси чегарадаги округлар худуди билан чекланган бўлса, IV аср бошида Хитойда ўтроқлашган ва суннулар томонидан қўллаб-қувватланган **сяньби, ди, цянъ** қабилалари билан алоқалар туфайли Шимолий Хитойнинг катта қисмига тарқала борди. Тарихий манбаларда бу истило олиб келган лингвистик жараёнлар ҳақида маълумотлар қайд этилган.

“**Олти сулола**” даври тарихий манбаларига кўра, IV-VI асрларда фаол этник ассимиляция (аралашиб бир бўлиб ёки ўхшаб кетиш) жараёнлари ва икки тиллилик кенг тарқалганлиги билан характерланади. Уларга V аср охирида

Тоба Хун (Вень Ди императори **Шимолий Вей** сулоласи 466-470 йиллар) томонидан ўтказилган сяньбиларнинг ассимиляция сиёсати имконият яратди. Ассимиляциянинг усулларидан бири саройда сяньби тилидан фойдаланишни таъқиқлаш эди. Ўттиз ёшдан катта шахслар учун бу ҳол истисно эди. Бу шуни англатадики, V асрнинг охирида пойтахтда сяньбилар ичидаги ёш авлод ҳеч муболағасиз икки тилни билишган. Тахмин қилиш мумкинки, сяньби - хитой икки тиллиги бутун Шимолий Хитой бўйича кенг тарқалган эди. Шимолий Вей парчалангандан кейин бирлашган шимолий **Ци** ва шимолий **Чжоу** мамлакатлари сяньбиларнинг хитойлашишига қарши йўналтирилган этник сиёсатни олиб борди. Бу жараёни энди ҳеч нарса тўхтата олмас эди. VI асрнинг охирига келиб уларнинг ассимиляцияси бутунлай ниҳоясига етди.

**Тан сулоласи** даври (618-907 йиллар) га келиб Хитойнинг ташқи дунё билан алоқаси мустақкамланди. Ўша вақтда Хитой Ипак Йўлининг Марказий Осиёдаги худудини бошқариш учун етарли даражада кучга эга бўлган. Йўл бўйидаги воҳаларга Гуаньчжундан келган ва шунга мувофиқ мазкур мамлакат диалектларида сўзлашадиган янги хитой аҳолиси келиб жойлашди. Лунси водийсида цянларнинг ассимиляцияси якунига етди. Бу вақтнинг яъни X асрнинг асосий хусусияти шуки, тибет транскрипцияларида ифодаланган Шимоли-ғарбий хитой диалекти шаклланди.

Бу даврда хитой аҳолисининг ҳозирги Сичуань худудига миграцияси ва Ба давлатлари таркибига кирувчи халқлар билан ассимиляцияси давом этди. Ҳозирги кундаги Сычуань провинцияси диалектларининг шаклланиши ўша пайтларда бошланган эди. VII-X асрларда Янцзы қуйи оқимининг жанубий қисмини, Сянцзянь ва Ганьцзянь дарёлари водийларига шимол аҳолисининг келиб жойлашиши ва ўзлашиш масаласи амалда ўз якунига етди.

**Тан сулоласининг** барбод бўлиши натижасида мамлакат 50 йилдан ортиқроқ (907-960 йиллар) ўзаро урушлар даврига қадам қўйди. Мамлакат учун бу сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги империянинг 5 сулолага бўлиниб кетиши билан таснифланади. Натижада мамлакат аҳолиси яна қайта оммавий миграциялар даврига қадам қўйди.

Ўз ҳаётининг биринчи йилларидаёқ янги давлат Шимолий Хитойнинг 16 та Хан сулоласи даврида тузилган чегара округларини ўзида бирлаштирди. Табиий географик нуктаи назардан қараганда, бу ерлар Юдинхэ дарёси ва унинг асосий шимолий ирмоқлари атрофидаги ерларни ташкил қилар эди.

Киданларга ўтган 16 та округлар ичида Ючжоу округи ва шу номга эга асосий шаҳар ҳам мавжуд эди. Ючжоу - тоғ этаги текислигида муҳим стратегик аҳамиятга эга шаҳар эди. У Ляо давлатининг жанубий пойтахти, Цзинь давлатининг марказий пойтахти ва Юань мўғул сулоласининг Буюк пойтахти бўлган. Кейинчалик у Хитойнинг Шимолий пойтахти бўлди ва бугунги

кундаги хитой миллий тилининг асоси ҳисобланган диалект шаклланган шаҳар ҳисобланади.

1038 йили Хитойнинг ғарбий чегараларида ҳозирги Нинся, Ганьсу провинциялари ва ҳозирги Шеньси провинциясининг шимолий ерларини ўзида бирлаштирган тангутларнинг Си Ся давлати ташкил этилди. Син-тибет тилларида сўзлашадиган тангутлар дастлаб кўчманчи халқлар бўлиб, XII асрда ўтроқ ҳаётга ўтишган. Бу уларнинг давлатида хитой маданияти ва хитой тилининг сўзсиз кенг тарқалишига олиб келди. Си Ся давлати 1227 йили Чингизхон томонидан тугатилган. Лекин тангутларнинг этник ва лингвистик ассимиляцияси кечроқ яқунланган.

1125 йили тунгус-маньчжур гуруҳи тилида сўзлашувчи халқ – чжурчженлар зарбаси остида Ляо сулоласи кулади. Унинг ерлари янги Цзинь давлатига ўтди. Унинг таркибига Ляо бошқарувида бўлган Хитойнинг маълум қисмлари кирган. Ляо давлатининг собиқ жанубий пойтахти яқинида Цзинь давлатининг ўша пайтдаги Марказий пойтахти –бугунги Пекин қурилган. 1153 йилдан 1214 йилгача пойтахт давлатнинг асосий шаҳри бўлган. Цзинь давлати ва Сун хитойлари ўртасидаги чегара Хуанхэ дарёсидан ғарбга Циньлин тизма тоғи тармоқларига ўтган. Давлат ҳукуматининг ўзгариши нафақат Марказий текисликдаги ҳарбий ҳаракатлар билан, балки табиий офатлар билан ҳам содир бўлар эди. Уларнинг ичида энг ҳалокатлиси 1194 йили Хуанхэдаги дамба( кўтарма) нинг бузилиши эди. Бунинг натижасида дарё ўзани йўли ўзгариб, Шаньдун ярим ороллари жанубидаги Сарик Денгизга қуйила бошлади. Бу воқеалар жанубга мигрантлар оқимини янада кучайтирди. XIII аср бошида Шимолий Хитой аҳолиси ҳисобланган хитойлар ва чжурчженларнинг миқдори тахминан 40 млн. кишини ташкил қилар эди. Шимолий Хитой Цзинь давлатига бирлашгандан кейин дарҳол эгалланган ерларга чжурчженларни жойлаштириш бошланди. Забт этувчилар хитойларнинг ерларига ёлғиз оилалари, уруғлари билан эмас, балки уларнинг тепасида чжурчжен бошлиқлари турган йирик жамоалари билан кўчиб келишди. Уларнинг Хитойда яшаган минтақаларининг аниқ тафсилоти йўқ, лекин ҳозирги Хэбэй ва Шаньдун провинцияси ҳудудларида чжурчженларнинг жамоаси мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Чжурчженлар жамоасининг хитой тили муҳитида узоқ вақт бўлиши фаол тил алоқаларига ва икки тиллиликка олиб келди. Этник хусусиятлар ва она тилини сақлаб қолишга бўлган барча ҳаракатларга қарамай, Хитойда ўтроқ ҳаёт кечирган чжурчженлар жуда тез ассимиляцияга учради. XII асрнинг 70 йилларида амалдор шахсларга чжурчженчасига сўзлашиш мажбурий ҳисобланган, хитой тилининг тарқалишини чеклайдиган ҳукумат қонунлари қабул қилинди. Чжурчженлар Хитойга кўчиб келгандан 40 йил кейин бундай қонунларнинг пайдо бўлиши, Хитойда туғилган авлоднинг икки тилли эканлигини ва улар хитойча гаплашишни афзал кўришларини келтириб чиқарди.

XIII аср бошида Чингизхон бошчилигидаги мўғул империяси Хитой учун курашга киришди. 1214 йилда мўғуллардан чекинган чжурчженлар пойтахтни Марказий текисликдаги Кайфэнга кўчириб ўтишга мажбур бўлдилар. 45 йилдан кейин мўғуллар бутун Хитойни эгалладилар ва Юань сулоласини туздилар. Бу сулола у ерда 1368 йилгача деярли 100 йил хукмронлик қилди. Чжурчженларнинг бир қисми Шимолий Манжуриянинг пастқам, хилват жойларига қочган. Лекин уларнинг кўпчилиги Хитойда қолган. Мўғул хукмронлиги чжурчженлар ассимиляциясини тезлаштирди.

Мўғуллар ўз империяси фуқароларини этнохудудий гуруҳларга бўлганда, хитой тилини биладиган чжурчженларни – хитойликларга ва хитой тилини билмайдиганларни - мўғулларга тегишли деб кўрсатишган. Шимолий Хитойда ўтроқ ҳаёт кечирган чжурчженлар ўша пайтдан бошлаб хитойлик деган этник статус(хуқуқ) ни олишди. Хитой аҳолиси 2 та гуруҳга ажратилган: ханьжен “хитойликлар” ва турли фуқаролик хуқуқлари берилган наньжень “жанубликлар”.

Мўғуллар даврида Цзинь давлатининг Марказий пойтахти Даду “Буюк пойтахт” номини олади ва биринчи марта бутун Хитойнинг пойтахтига айланади. Ўша пайтдан бу шаҳар мамлакатнинг Шимолий пойтахти ҳисобланди. Кейинги Минь сулоласи даврида унга ҳозирги Пекин “Шимолий пойтахт” янги номи берилди. Забт этишига кўра аввалги ўтмишдошидан фарқли, мўғуллар Хитойга оммавий аҳоли кўчириш ҳаракатини амалга оширмаган, бироқ император саройи, сарой гвардияси, мамлакат бошқарувининг марказий органлари жойлашган пойтахтда мўғул аҳолиси талайгина эди.

Хитой тарихида нисбатан қисқа муддат хукмронлик қилган мўғул сулоласи даври Хитой лингвистик ҳолатининг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатди. Хитой мансабдорларига ишонмаган ва мураккаб веньянь ёзма тилини тушунмаган мўғул хукмдорлари улардан расмий хужжатларда фойдаланмасдилар. Бу даврдаги маъмурий хужжатлар кўпчилик мўғул амалдорларига маълум бўлган оғзаки тил асосида тузилар эди. Бу тилда Юань сулоласининг қонунлар тўплами ва кўплаб маъмурий хужжатлар ёзилган. Улар орасида фақат ёдгорлик тошига ўйиб ёзилганларигина бугунги кунгача сақланиб қолган. Юань сулоласи даврида кўпгина драматик ва насрий асарлар ёзилган байхуа адабий тилининг ривожланиши давом этди. Ўша пайтдан бошлаб веньянь ёзма тилидаги адабиётлар иккинчи ўринга ўтган.

Юань сулоласи Шимолий Хитой худудида узок вақт хукмронлик қилган чет эл сулолаларига барҳам берди. Мамлакатнинг катта қисми деярли икки ярим аср ва 16 та шимолий округлар эса тўрт аср давомида чет эл хукмронлиги остида бўлган. Шимол ва жанубнинг тарихий тақдиридаги фарқлар мамлакатнинг бу қисмидаги этник ва лингвистик хусусиятларнинг

шаклланишига олиб келди. Ўша давр этник ва лингвистик жараёнлари етарли даражада ўрганилмаган, бироқ бу хусусиятлар фаол этник ва лингвистик контактлар (алоқалар) натижасида шаклланганлигини тахмин қилиш мумкин.

X-XII асрларда Шимолий Хитойда икки тиллиликнинг тарқалиши ҳақида ўша пайтдаги ёдгорликлар гувоҳ беради. Цзинь ва Юань даври драмаларида мўғул сўзлари учрайди. Хитой драмасида чет эл сўзларининг борлиги уларнинг маъноси томошабинларга маълум бўлганлигини кўрсатади. “Мўғулларнинг сирли воқеалари” матнларида ва Юань сулоласининг маъмурий хужжатларида мўғул тилининг таъсири грамматик даражада сезилади.

1368-1644–йилларда мўғулларга қарши кўп йиллик урушларда Минь сулоласи марказлари харобазорга айлантирилган, ҳозирги Хэбэй, Шаньдун, Хэнань провинциялари ерларига Шаньси қўшни провинциясидан, шунингдек Жанубий Хитойдан деҳқонлар кўчириб келтирилган. Монголия чегараларидаги ерларнинг хавфсизлигини эътиборга олган ҳолда, Хитойнинг ички минтақаларидан келиб чиққанлар яшовчи ҳарбий гарнизонлар ташкил қилинди.

Бу шаҳарнинг келгуси сиёсий тақдири пекин диалектини ривожланишига таъсир кўрсатди. Мўғул сулоласи қулагандан сўнг Буюк пойтахт Бейпин “Тинч, хотиржам шимол” номини олди ва Минь сулоласи пойтахти Нанкинда таъсис этилди. Бироқ Минь сулоласи хукмрон синфи ичидаги сиёсий кураш натижасида Бейпин шаҳри 1403 йилда ҳозирги Пекин “Шимолий пойтахт” номини олди. 1421 йилда бу ерга Хитой пойтахти кўчирилди. Пекинга Марказий муассасалар билан бирга Нанкин диалектларида ва умуман, Цзян-Хуай икки дарё ўртасидаги диалектларда сўзлашувчи кўпгина ҳукумат ишчилари келди.

Мўғул сулоласи давридаёқ Хитойнинг жануби-ғарбида Гуаньси провинцияси ташкил қилинди. XI аср бошида бу географик ҳудудда Юньнань ва Гуйчжоу провинциялари тузилди. Мин сулоласи даврида янги провинцияларда хитойлик аҳоли пайдо бўла бошлади. Шу тариқа Гуаньхуа гуруҳи диалектларининг жануби-ғарбий ареали (минтақаси) юзага келди. XII асрда Хитой аҳолиси Синьцзянда пайдо бўлди. XIX асрнинг охириги чорагида (кейинчалик у ерда ҳозирги шимоли-шарқий диалектлар шакллана бошлаган) хитой кўчманчиларига Манчжурияга кўчиб ўтишга рухсат берилди. Гуаньхуа гуруҳи диалектларининг бугунги тарихий маданий минтақаси шундай шаклланган.

1. Қадимги Хитой миграциялари қачон ва қаердан бошланган, ҳамда қандай аталади?
2. Сюнну сулоласи ҳақида нималар биласиз(улар яшаган ҳудудлар ва давр назарда тутилади)?
3. “сарик белбоғлилар”ҳаракати тўғрисида нимлар биласиз?

4. Мўғуллар империясининг хитой адабий тили ва шеваларидаги таъсирларини нималарда кўриш мумкин?
5. Ҳозирги Хитой Шимолий пойтахти тарихи ҳақида нималар биласиз?

### **Назорат саволлари**

1. Путунгхуанинг тараққиёт босқичлари.
2. Путунгхуанинг давлат тили сифатида аҳамияти.
3. Хитойда шеваларнинг фарқли жиҳатлари.
4. Хитойда шеваларнинг эволюцияси.
5. Хитойда шеваларнинг типологик таҳлили.
6. Хитой тилининг ривожда шеваларнинг ўрни.
7. ХХР да кам сонли миллатлар.
8. ХХР да кам сонли миллатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий мазмуни.
9. Кам сонли миллатларнинг жуғрофий жойлашуви.
10. Кам сонли миллатларнинг тилини ўрганиш ҳақидаги назарий қарашлар.

### **2–амалий машғулот**

#### **Тил вазияти, уларнинг турлари. Тил вазиятининг ўзгаришига таъсир етувчи омиллари**

#### **ХКП тил сиёсатининг назарий жиҳатлари**

Хитойда миллий сиёсатнинг назарий томонларини очиб беришда, унинг тамойилларини асослашда, давлат арбоби Сун Ятсеннинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз жоиздир. У ўз фаолиятида Хитой миллий сиёсатининг принципларини “Шарқона давлат қуриш ғояси, ўзининг илдизларига эгадир.”<sup>1</sup> деб асослаб берган. Сун Ятсен миллий масала ўз тарихий ривожланиш босқичларига, этник хусусиятларига эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг ғоявий ва назарий томонларини таҳлил қилган ҳамда миллат ҳақида қуйидаги концепциясини яратган:

“Миллатимизнинг қадимий анъналарига асосланиб, Хитой халқининг маълум шарт–шароитларини ҳисобга олган ҳолда, унга миллийлик руҳини

---

<sup>1</sup>Сунь Ятсен. Избранные произведения. М. 1985. с. 110.

сингдиришимиз лозимдир. Янги жамият барпо қилар эканмиз, унинг миллий кадриятларга асосланишини кўриб ўтишимиз керак бўлади. Биз миллатимизнинг ягона миллат бўлиб шаклланишида қуйидаги жиҳатларига тўхталиб ўтишимиз айти заруриятдир: *биринчидан*, унинг бошқа миллатлар билан қондошлик алоқаларига эга эканлиги; *иккинчидан*, тил хусусиятларининг ўзига хослиги; *учинчидан*, диний масала; *тўртинчидан* Хитойда яшовчи миллатларнинг урф-одатлари масаласи.”<sup>2</sup> Ҳақиқатдан ҳам Сун Ятсеннинг қарашларида “Хитой Миллати” яъни “中华民族” (zhong hua minzu) ғоясига катта урғу берилади. Бу бир томондан Хан миллати билан Хитойда истиқомат қилувчи халқлар, монголлар, тибетликлар, манчжурлар ва мусулмонларнинг ҳар жиҳатдан ягона бирлигини ташкил этса, *иккинчи томондан* уларнинг тили, дини, урф-одатлари, ёзувини ҳам ўзига хос хусусиятларини бир асосга жамлайди. Сун Ятсен ўз ғояларида барча миллатларни тенглик тамойилларига асосланишини таъкидлаб, ягона Хитой миллатининг шаклланишида уларнинг ўз ўрни борлигидан алоҳида келтириб ўтган, аммо демократик фикрларига қарамасдан, анъанавий Хитой сиёсий маданияти чегараларидан четга чиқмаган. Бу борада унинг ворислари ҳам шу тартибда ўз қарашларини ифода этганлар.

1921 йилда тузилган Хитой Коммунистик партияси ҳам миллий масалаларга ўзининг алоҳида эътиборини қаратган. Миллий давлат бошқарувини шакллантиришда улар Сун Ятсеннинг айрим қарашларига алоҳида урғу бериб ўтганлар.<sup>1</sup> 1922 йил ХКПнинг 2-съезд манифести бўлиб ўтади. Манифестда “Монголия, Тибет ва Синцзян ҳудудларида яшовчи халқлар тарихан ўз маданий ва иқтисодий маконларига эга бўлиб келган миллатлар деб ҳисобланган. Уларни бирлаштиришда Хитой ҳам ўз бошқарув сиёсатини тубдан ислоҳ қилмоғи лозимлиги таъкидланади”.<sup>2</sup> Манифестда шунингдек, уларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, ўз-ўзини бошқарувчи автоном районлар мақомини бериш масалалари кўзда тутилган. Чегара районларда истиқомат қилувчи миллатларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда, Монголия, Тибет, ва Синцзянга автоном федерация мақоми берилиши Хитой Федератив Республикасини қуришдан далолат беради деб таъкидланган эди.<sup>3</sup>

Съездда ХКП миллий сиёсат дастури уч босқичда амалга оширилиши кўзда тутилганди. *Биринчи босқичда* Хитойни бирлаштириб, демократик республика тузиш; *иккинчи босқич* Монголия, Тибет ва Синцзян ўлкаларини автоном бирликлар деб эълон қилиш; *учинчи босқич* барча ҳудудларни марказлашган бошқарув тизими асосида демократик принципларга асосланиб, идора қилиш. Бу олиб борилган сиёсат натижасида кейинчалик, янги резолюциялар қабул қилинган эди. Ўша даврдаги Хитойнинг ички сиёсатидаги

---

<sup>2</sup>Ўша китоб. 113.бет

<sup>1</sup>У Дахуа. Минзу Юй фалюй. Пекин, 1990г.с32.

<sup>2</sup>Ўша китоб.35бет.

<sup>3</sup>Чжунгун дан ши цзяосюэ цанькао цзыляо.- Пекин, 1980, Т.1.с.11-12



ўзгаришларнинг кескинлиги туфайли, мамлакатда осойишталик ўрнатиш Хитой учун оғир масала бўлган.

Сун Ятсеннинг вориси бўлган Гоминдан партиясининг раҳбари Чан Кайши унинг ишларини давом эттириб, миллий масалаларда ўз фикрлари билан чиққан:”Агарда ўтмишга назар соладиган бўлсак, Хитой халқи кўпгина халқларнинг қоришуви асосида вужудга келганлиги шубҳасиздир. Помир тоғлари этакларидан тортиб, Хуанхэ, Янцзи, Хэйлунцзян дарёларигача бўлган ҳудудларда яшовчи кўпгина халқлар минг йиллар давомида ўз анъаналарига эга бўлиб, Хан миллатининг маданияти тараққиётига қўшган ҳиссалари айна ҳақиқатдир.”<sup>1</sup> Чан Кайши ўз қарашларида анъанавий нуқтаи назардан “Хитой миллати” тушунчасига кичик миллатларнинг таъсир доираси катта эканлигини таъкидлаб ўтган.

Мао Цзэдуннинг миллий масала билан боғлиқ миллат тушунчаси ҳақидаги ғоявий назарий қарашлари ХКПнинг ҳукмрон партия сифатида давлат тепасига келиши- да ўз ифодасини топди. Унинг миллий масала билан боғлиқ янги демократизмга бағишланган асарлари шовинистик руҳда ёзилганлиги билан ажралиб туради<sup>2</sup>. Буюк маданий инқилоб даврида ўтказиб келинган миллий сиёсат концепцияларида унинг шовинистик руҳдаги қарашлари ўз чўққисига етди. ХХР Давлат арбоби Ли Вейхан ишларида миллий масалани ХКП нуқтаи назаридан асослашга алоҳида аҳамият қаратади. ХХ- асрнинг 50-йилларидаги кўпгина муаллифлар томонидан бу муаммога Ли Вейханчалик чуқур эътибор берилмаган. Хитойдаги этник хусусиятларни ўз қарашлари билан изоҳлаб берган Ли Вейхан қуйидаги фикрларга тўхталиб ўтган:

- 1) Мамлакатда мураккаб миллий бўлинишнинг турли кўриниши, этник гуруҳларнинг сон жиҳатдан эътиборга олинмаган;
- 2) Кичик миллатларнинг озлигига қарамай улар ўзларининг катта ҳудудларига эгадирлар;
- 3) Жамият ривожланишида уларнинг алоҳида ўз тараққиёти мавжуддир;
- 4) Уларнинг ривожланишида марказий ҳокимиятдан фарқли ўлароқ, уруғ-аймоғчилик ҳамда феодал жамиятига хос бўлган кўринишлар сақланиб қолган;
- 5) Кичик миллатлар ичида чуқур диний қарашлар мавжуд бўлиб, улар ўртасида этно-конфессионал муаммолар мавжуд;
- 6) Кичик миллатлар ўртасида ривожланишнинг номуносиблиги яққол кўриниб туради<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>. Сухарчук Г.Д. Социально-экономические взгляды политических лидеров Китая первой половины XX века. - М.1983.с.78

<sup>2</sup>Мао Цзэдун. Сюань цзи. Харбин.1948.с.245

<sup>1</sup>Ли Вэйхань. Гуаньюй миньцзу лилунь хэ миньцзу чжэнцэ ды жогань вэньти. - Пекин,1984.с.17.

Бундан кўришиб турибдики, тарихий жараёнларда кичик миллатлар ўзининг ривожланиш босқичларини ўтиб турли сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кўпгина ютуқларга ҳам эришганлар. Бундан ташқари айрим миллатлар Ханлар томонидан баъзи вақтларда идора қилинган. Шу боисдан Хан миллатининг шаклланиш жараёнига уларнинг ҳам таъсир кўрсатиши катта аҳамиятга эга бўлган.

Хитой қадимдан кўп миллатли халқ бўлиб катта ҳудудни идора қилган. Бу жараён турли миллатларнинг Хитой ҳудудида истиқомат қилганлиги ва уларнинг Ханлар билан сингишиб кетишига сабаб бўлган.<sup>2</sup> Ханларнинг буюк миллатга айланишида кичик миллатларнинг хизмати катта бўлган. Ли Вейханнинг миллат ҳақидаги ғоявий қарашлари кейинги авлод учун назарий асос бўлиб хизмат қилди. Хитойдаги миллий масалани ўрганиш бўйича иккита гуруҳ мавжуд:

*Биринчи гуруҳ* олимларининг ишларида аниқ далиллари илмий–оммабоп фикрлар ўрин олиб, унда “Ягона кўп миллатли Хитой” ғояси асосий масала бўлиб туради. Улар ишларида “Ягона кўп миллатли Хитой”нинг тараққиёт босқичлари мураккаб жараёни бошидан ўтказганлиги таъкидланади. “Ягона кўп миллатли Хитой” концепцияси уларнинг этник ривожланиши, ҳудудий жиҳатдан турли хил этносларнинг тил, иқтисодий, маданий ва диний эътиқод масалаларда яқинлиги таъкидланади. Уларнинг ханлар билан бир вазиятда ижтимоий-тарихий жараёни бошдан ўтказганлиги ягона миллат сифатида бирлашишида асос бўлиб хизмат қилади.<sup>1</sup>

*Иккинчи гуруҳ* нуқтаи назарича Хитойнинг этник ривожланишида у ёки бу сиёсий жараёнларнинг таъсири катта бўлган. Хитой тарихан моноэтник, аммо макон нуқтаи назардан кўп этник халқларни ўзида бирлаштирган мураккаб организм. Хитойда истиқомат қилган ҳар бир халқ хан миллат тарихининг бир қисми ҳисобланади.

Ўтган XX–асрнинг 50-80 йилларидан бошлаб *иккинчи гуруҳ*нинг фикрлари миллий масала стратегиясини ишлаб чиқишда назарий асос қилиб олинди. ХХРнинг СУАРдаги собиқ раҳбари Жанабил миллий масала ҳақида шундай ёзади: “Бизнинг партиямиз ва ҳукуратимиз Хитойдаги этносларга аниқликлар киритиб, бу масалани Хитойнинг умуммиллий манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиққан. Аҳолининг сон жиҳатдан ижтимоий ривожланиши, иқтисодий ҳаёти, тили, ёзуви, миллий уф-одатлари ва миллий қарашлари аниқ эътиборган олинган.”<sup>1</sup>

Бу ёндашув Хитой муаллифлари ўзларининг кичик миллатларга берилган шарт-шароитлар ҳамда демократик қарашларни мамлакат ички сиёсатидаги

<sup>2</sup>Хэ Гоань. Сидалинь миньцзу лилунь моши бои. - "Миньцзу яньцзю", 1989, №.4.с.6

<sup>1</sup>Ли Вэйхань. Гуаньюй миньцзу лилунь хэ миньцзу чжэнцэ ды жогань вэньти. - Пекин,1984.с.18.

<sup>1</sup>Цзянабуэр (Джанабил). Таньтаньюгуаньминьцзулилуньдыцзигэвэньти.- "Синьцзяншэхуйкэсюэ", 1990, №.5.с.4

этниқ гуруҳларга бўлган муносабатларнинг ижобий тарафларини кўрсатиб ўтганлигидан далолат беради. Бироқ, ХХРнинг кичик миллатларга нисбатан олиб борган сиёсатининг салбий тарафларини ҳам кузатишимиз мумкин. ХХР ҳудудида истиқомат қилувчи кичик миллатларнинг сиёсий ва идеологик қарашлари давлат томонидан эътиборга олинмай келган. Мамлакат миллий концепциясини яратишда кўпгина раҳбарлар мана шу жиҳатларга кам эътибор берганлар.

80-йилларга келганда ХХРнинг миллий жабҳада олиб борган сиёсатида кескин ўзгаришлар кузатилади. Унда миллий сиёсатнинг назарий томонлари бирмунча кенг очиб берилган. Бу жараёнда ХКП ўзининг ишини фаоллаштириб этнографлар ва сиёсатчиларнинг таҳлилий фикрларига ёндашиб иш кўра бошлади. Улар бу жараёнда “Миллат тушунчасининг моҳиятини қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилганлар. Бу фаолиятда ХКП ва Халқ ҳукумати тарихий асосларга таянган ҳолда миллай сиёсатни тенг ҳуқуқлилиқ асосида олиб боришга ҳаракат қилди. Бунда уни икки томонлама асослаб ўтиш мумкин. *Биринчи гуруҳ* олимлари ХХРнинг марказий миллий институти томонидан ўз фикрларини “Минзу чу бан ши” (民族出版社) нашриёти орқали акс эттирган.<sup>2</sup> *Иккинчи гуруҳ* олимлар ўзларининг мустақил фикрларини миллий масалаларда тарихийлик ва ҳаққонийлик тарафидан кўрсатиб берганлар. Улар “民族” (Минзу) тушунчасига алоҳида эътибор бериб уни кераклигича изоҳлаганлар.<sup>1</sup> Кўпгина тарихчиларнинг фикрларига кўра, миллатнинг шаклланишида тарихий- ижтимоий шароит алоҳида ўрин эгаллайди. Шу боисдан, ҳам Хитойнинг умуммиллий концепциясининг яратилишида Сун Ятсен, Чан Кайши қарашларининг назарий томонлари алоҳида маъно касб этади.<sup>2</sup> Хитой давлат арбоблари кейинги сиёсий ўзгаришларнинг жараёнида “中华民族” (zhohg hua min zu) тушунчасини идеологик ва сиёсий ҳусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ХХРда яшовчи барча этниқ гуруҳларга нисбатан қўллаганлар. Унда Хитойда истиқомат қилувчи миллатларнинг тили ва умумий маданияти янги тимсолда ўз аксини топган.

Бугунги кунда ХХР ҳукумати миллий сиёсатни тенглик, бирдамлик барча миллатлар билан оға-иничилик муносабатларини ривожлантирган ҳолда олиб бормоқда. Ҳукумат уларнинг эркинликларини ва қадриятларини ҳурмат қилади ва кафолатлайди. ХХР кичик миллатлар учун ягона марказлашган тизим асосида кам сонли миллатлар учун, ҳудудий, миллий автоном районларни жорий қилган. Давлат ўз сиёсатини конституция ва жамиятнинг ҳаётий қонунларига таянган ҳолда, миллий автоном районларда олиб боради. Бу жабҳада кўпгина миллий кадрларни, техник мутахасисларни етказиб бериш

---

<sup>2</sup>Макэсы чжуи миньцзу лилунь хэ данды миньцзу чжэнцэ.- Урумчи,1990,с.38-39; Миньцзу лилунь хэ миньцзу чжэнцэ. -Пекин, 1988.с.35

<sup>1</sup>Ян Кунь. Миньцзу юйминьцзусюэ. -Чэнду, 1985.с.133-136

<sup>2</sup>М.Махмутходжаев. Национальный политика Гоминдана 1927-1937гг.М.1986.с.25.

билан боғлиқ масалалар Хитой Компартияси томонидан қўллаб-қувватланди. ХХР ҳукумати автоном районларда сиёсий, иқтисодий, маданий ислохотларни ўтказиш билан бирга, уларнинг амалий натижаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Миллий муаммо мамлакатдаги умуммиллий масала бўлиб, у доимо социализм куриш жараёнида муҳим ҳисобланади. Барча миллатлар Хитой халқи маданиятини ривожлантиришда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар ва бунга ҳақлидирлар.

ХХРда “миллий автономияси тўғрисидаги қонун” (1984 йилда қабул қилинган.) асосий ҳуқуқий база ҳисобланиб, у конституциядан келиб чиққан ҳолда кичик миллатларнинг ривожланиш жараёнидаги, ҳаётнинг асосий принципларини кафолатлайди<sup>1</sup>. Бу жараёнда мамлакатнинг динлараро муносабатига ҳам ҳаётий қонун–қоидалардан эканлиги кўзга ташланади.

### **Назорат саволлари**

1. ХХР да кам сонли миллатлар тиларининг таснифи.
2. Кам сонли миллатлар тилини лотин альфавитига ўтказиш масалалари ва унинг сиёсий жиҳатлари.
3. Кам сонли миллатлар тили тарихига оид пиктографик ёзувлар.
4. ХХРда икки ва кўп тиллилик масаласи.
5. Кам сонли миллатларнинг эски ёзувлари ҳақида умумий тушунча.
6. Кам сонли миллатлар тили, оилалари ҳақида.
7. Кам сонли миллатларнинг ўлкалараро жойлашув ўринлари.
8. Минтақавий – регионал тиллари ва уларнинг функционал вазифалари.
9. ХХР да кўп тиллилик муаммоси ва уларнинг ечимлари.
10. Кам сонли миллатлар тилларини меъёрлаштириш муаммолари.

---

<sup>1</sup>Хэ Гоань. Гуаньюй жэньминь гунтунти юй миньцзу гунтунтиды сыкао.- "Миньцзу яньцзю", 1988, №5.с.28

## **2- амалий машғулот**

Тилнинг замонавийлаштириш шарт-шароитлари. ХХРда шева­ларнинг юзага келиши

### **ХХРда билингвистик таълим ва унинг хусусиятлари**

Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш ва чет элликларга хитой тилини ўргатиш масалалари икки бири бирига ўхшаш бўлиб, иккаласи ҳам она тилиси хитой тили бўлмаган кишиларга хитой тилини ўргатиш ҳисобланади, ўргатиш қонун – қоидалари ва ўзига хосликларига назар солинса ҳам ёки аниқ бир ўқитиш мазмуни, усули ва жараёнидан келиб чиқиб баҳоласак ҳам жуда кўп ўхшаш жиҳатлар борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам талабага энг асосий тил элементларини ўргатишдан бошланади, она тилига хитой тили ўрганишдаги таъсирлар ва хитой тили маданияти таъсир этади, иккала ҳолатда ҳам иккинчи тилнинг ўқитиш ва ўрганиш меъёрлари ҳур­мат қилиниши керак. Шунинг учун чет тилини ўқитишдаги қандайдир текширув ва изланишларининг натижаси кам сонли миллатларнинг хитой тилини ўрганишидаги натижалар билан мос тушади.

Лекин чет элликларга хитой тилини ўргатиш бир чет тилини ўргатишдир, аммо кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш эса давлат ичида муомала тили ҳисобланган, кўп қўлланиладиган тилни (давлат тили) ўргатишдир. Икки томоннинг ўқишдан мақсади, характери бир хил эмас, шунинг учун ўқитиш тизими ва методи ҳам фарқ қилади. Хулоса қилиб айтганда, кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш ва чет элликларга хитой тилини ўргатишнинг фарқли жиҳатлари қуйида келтирилган.

### **1 таълим тури**

Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатишда ўша миллат учун асосий объект – бу муҳит, ўқитиш меъёрига эга, бутун миллатнинг саводли бўлиши кўзланади, мақсади икки тиллик инсон қилиб етиштириш, яна миллатнинг табиатини кўтариш, ривожланган жамият сари дадил қадам бостиришдир. Чет элликларга хитой тилини ўргатиш эса ўрганувчини хорижий тилда бемалол мулоқотга кириша оладиган кишига айлантириш, унга хитой тилини ўрганиши фаолиятини натижали шахсий ишга айланишида кўмак бериш. Хитой кўп тилли давлат, бир қанча кам сонли миллатларнинг бақамти яшаш макони ҳисобланади. Аммо у миллат вакилларининг ўз тилига эга, лекин ўз ёзувига эга бўлганлари 50% га ҳам етмайди. Хитой республикаси ташкил этилгач, ҳуку­мат бир неча кам сонли миллатларга янги ёзув тузишда ёрдам берди, бунга кўп омиллар сабаб бўлди, бу ёзувларнинг қўлланилиш доираси жуда тор. Хитойда кичик миллатлар тарқоқ, уюлмаган ҳолда яшайди. Бундай ўзига хос яшаш шароитига эга бўлган кичик миллатлар тилининг қўлланилишида меъёрий чегаралар бор. Мазкур миллат тилининг қўлланилишидаги чегарани ва бошқа

бошқа миллатлар ўртасидаги тилни сақлаб қолиш керак, бир муомала воситаси вазифасини бажарувчи тилни танлаш керак. Хитойда хитой тилидан фойдаланадиган хан, хуи, ман каби миллатлар аҳолиси сони давлат аҳолисининг 90% дан ошиғини ташкил этади, тарих таъсири сабабли бу миллатлар яшайдиган жойлари хитойнинг энг қолоқ ривожланган ҳудудларидир. Маданиятнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг кўплиги ҳар бир миллатнинг маданиятига кучли таъсир кўрсатган. Жаҳон миқёсида хитой тили Хитой Халқ Республикасини намойиш этадиган тилдир. Шунинг учун хитой тилининг давлат ичидаги ва давлат ташқарисидаги ўрни ҳар бир кичик миллат учун идеал даражада мулоқот воситасига айланган.

Хитой конституцияси, автоном районлари қонунлар, маориф вазифаси қонунлари кабиларнинг ҳаммасида кичик миллатларнинг ўз тилидан ташқари хитой тилини ўрганиши кераклиги қайд этилган. Ҳар бир миллатнинг ўз автоном районидаги ҳукумат тузган қонунларда ҳам туб ерлик миллат тили муомаладаги муҳим восита, ҳудди шу тарзда хитой тилидан ҳам фойдаланади, икки тиллик сиёсати амалга оширилади деб кўрсатилган. Шинжян, Янбян каби вилоятларнинг маориф тизимларида яна шунини аниқ кўрсатиб қўйилганки, кичик миллат вакили олий мактабни тугатган талаба хитой тилида бемалол сўзлаша олиши керак. Бундан қондалардан ташқари кам сонли миллатларнинг хитой тилини ўрганиши тарихидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар бир кам сонли миллатлар яшайдиган ҳудудда хитой тилини ўрганиш анъанаси бор. Шунинг учун кичик миллатлар хитой тилини ўрганиши шахсий фаолият ҳисобланмайди.

Хитойдаги миллатларга дарс бераётганда хитой тилини ўргатишда муҳит асосий ҳисобланади. Шунинг учун мазкур миллат тили муомаласи чегараланган, айниқса жануб томонлардаги ёзувга эга бўлмаган кичик миллатлар тили ҳақида гап кетганда хитой тили уларнинг маориф тизимидаги асосий тил ва асосий муомала воситасидир. Хитойдаги кичик миллатлар таҳсил оладиган мактаблар, бошланғич мактабларда юқори синфлардан бошлаб хитой тили дарслари бошланади, баъзи жойларда эса ўрта мактабдан бошлаб хитой тилида дарс соатларини олиб бориш имконияти ҳам бор, институт профессорлари ва мутахассислардан ташқари кўпчилик хитой тилида дарс берадиган ўқитувчилар кичик миллатларга таълим беришни 2 турга бўлишади: миллат тилини ўргатиш асосий, хитой тилини ўргатиш ёрдамчи бўлган икки тиллик таълим ва хитой тилини ўргатиш асосий, миллат тилини ўргатиш ёрдамчи бўлган икки тиллик таълим. Жамиятнинг ривожланиши ва кичик миллатлар ҳудудларининг замонавийлашуви оқибатида хитой тилини ўқитишнинг фойдаси борган сари яққол кўзга ташланмоқда.

Чет элликлар хитой тилини ўрганиши кўпинча шахсий фаолият ҳисобланади. Шунингдек, бир миллат ёки халқнинг талаби эмас, кенг ва кучли характерга эга ҳам эмас. Ҳар бир инсоннинг хитой тилини ўрганишдан мақсади

ҳар хил. Ҳар бир инсоннинг мақсади, хитой тилини ўрганиш характери ҳам ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади.

## **2. Таълим бериш маданиятининг турли хиллиги**

Кичик миллатларга хитой тилини ўргатиш бир мамлакат ичида ундан бошқа миллатларга хитой тилини сингдиришдир. Ёки давлат ичидаги муомала тилини тарғиб қилиш демакдир. Гарчи турли миллатлар маданияти орасидаги фарқ ўрганиш жараёнида таъсир кўрсатсада, лекин бир давлат, бир жамият, бир хил ҳаёт тарзи ва миллатлар орасидаги алоқа бундай маданий фарқни камайтиради. Аммо чет элликларга хитой тилини ўргатиш бир чет тилини ўргатишдир. Турли мамлакатлардан келган, турли тилларда сўзлашувчи талабаларнинг мақсадлари ҳам ҳар хил бўлади. Хитой тилини ўрганиш жараёнида кўпинча маданият турли хиллиги туфайли баъзи муаммолар келиб чиқади, тушуниш ва ифода этишда қийинчиликларга дучор келинади. Шунинг учун чет элликларга хитой тилини ўргатишда хитой маданиятини ўргатиш муҳим бир қисми ташкил этади.

Тил маданиятнинг асоси, турли миллатларнинг маданий ўзига хослиги бўлиб, миллат қалбини, дунёқараши, ижтимоий одатлари, ҳаёт тарзи кабиларни ўзида акс эттиради. Миллат тилини ўрганишнинг асоси ўша миллат маданиятини ўрганиш демакдир, тил ўрганиш учун маданиятни ҳам ўрганиш керак, бу инкор этиб бўлмайдиган шарт. Чет элликларга хитой тилини ўргатишда хитой маданиятини ўргатиш таълим беришнинг мазмунини ташкил этади.

Хитой кичик миллатлари ҳақида гап кетганда уларнинг шароити бир хил эмас, ҳар бир кичик миллат ўзининг шаклланиш жараёнида Хан миллатининг маданиятини чуқур сингдириб олган, шунингдек ўз маданияти таркибида ҳам кўпгина жиҳатлари хан маданияти билан уйғун. Хан миллати маданияти шаклланиш жараёнида ҳам кўпгина кичик миллатлар маданиятлари таъсир кўрсатган. Умумий қилиб хитой миллатлари маданияти ва тарихи дейилади. Айниқса янги хитой тузилгандан кейин хитойда Гонгчанг партиясининг ҳокимлиги остида бир жамият, умумий ижтимоий ҳаёт хитойдаги турли миллатларнинг дунёқараши, ҳаёти, турмуш тарзи, фикрлаши жиҳатларини ривожлантирди. Бу катта катта миллатлар маданияти орасидаги фарқни кичрайтирди. Кичик миллатлар ва Хан миллати турмуш тарзи умумийлаштирилди. Хан миллатининг ҳаётий одатларига миллат қалби, ҳағтоки тили ҳам таниш бўла бошлади, шунинг учун хитой тилини ўрганишда ҳеч қандай маданий фарқлар таъсир кўрсатмай қолди. Албатта, Хан миллатининг маданий одатлари ва кам сонли миллатларнинг маданий одатлари орасида баъзи фарқлар сақланиб қолган бўлиши мумкин, талаба Хан миллати маданиятини тўлиқ ўзлаштириб олмаслиги мумкин, лекин чет эллик хитой

тилини ўрганувчидан кўра анча яхшироқ билади, хитой тилини ўрганиш жараёни ҳам бирмунча осон кечади.

### **3. Таълим тизими ҳар хиллиги**

Чет элликларга хитой тилини ўргатишда асосий эътибор тил ўрганаётган шахс ўз она тилисини мукамал ўзлаштирганлигига қаратилади. Одатда хитой тилини ўргатиш мутахассислиги ҳам қисқа муддат ичида хитой тилини ўргатиш каби 2 шаклга бўлинади. Лекин кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш – турли қатламларга бўлинади, унда асосий эътибор тил ўрганаётган шахс бошланғич ва ўрта таълимни олган бўлишига қаратилади, бир вақтнинг ўзида талабаларга, ёшларга, кадрларга ҳам хитой тили ўргатилади. Бундан ташқари кичик миллатларнинг алоҳида ва аралаш истиқомат қиладиган районларида қишлоқ ва шаҳарларнинг турли жойларида турли миллатларга хитой тилини ўргатиш шакли ҳам бутунлай бир – биридан фарқ қилади. Хитой кичик миллатларининг районлари бошланғич ва ўрта мактабда хитой тилини ўргатишнинг 3 хил методи мавжуд:

- 1) **жанубий метод:** Сичжоу, Юннан, Гуйжоу, Гуанси каби провинцияларнинг бошланғич ва ўрта мактабларида, одатда бошланғич мактабда фанлар она тилида ўқитилади, бир вақтнинг ўзида 2-3 – синфлардан бошлаб хитой тилини ўргатиш бошланади, ўрта мактабга келгач барча дарслар хитой тилида ўқитила бошланади.
- 2) Пекин методи: Шинжонг автоном райони, Ички монголия автоном райони, Цинхай провинцияси, Янбян округида бошланғич ва ўрта мактаб миллат тилида олиб борилади, бошланғич мактабнинг 3 – синфидан бошлаб хитой тилини ўргатиш бошланади. Юқори синфни битиргунча хитой тилида гаплаша олиш талаб қилинади.
- 3) **Тибет методи:** Тибет бошланғич ва ўрта мактабининг хитой тили ўргатиши 2 турга бўлинади, бири ички ҳудудларда Тибет гуруҳи, ўқувчилар ички шаҳарларга бориб ўқишади, дарслар барчаси хитой тилида ўтилади; иккинчиси тибетда бошланғич ва ўрта мактабларда хитой тилини ўқитиш пекин методида олиб борилади. Институтларда хитой тилини ўргатиш мутахассислиги ва хитой тили асослари каби 2 турга бўлинади, асосийси таржима қила олиш, хитой тилидан дарс бера олиш ва мутахассислик тилида ишлай олиш, юқори синфни битиргач хитой тилида ўқишга қийналадиган ўқувчиларга махсус гуруҳ ташкил қилинади. Бундан ташқари кичик миллатларга хитой тилини ўргатиш кадрлар тайёрлаш ва турли олий мутахассислик гуруҳларига ажратилади.

### **4. Таълим бериш шакли ва усулининг хилма – хиллиги**

Чет элликларга хитой тилини ўргатишда ўқувчининг ўз она тилисини билганлиги, ўрганиш мақсади аниқлигига кўра таълим бериш мазмуни



режалаштирилади, ўқитиш усули танланади. Кичик миллатларга хитой тилини ўргатиш эса бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчисига нисбатан олиб борилади, ўқувчи ўз она тилисини ўрганиш билан бир вақтда хитой тилини ҳам ўрганиши керак. Бундай икки, яъни ҳам она тилида, ҳам давлат тилида ўқитиш усули **билингвистик таълим тизими** деб аталади.

Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатишнинг энг куйи босқичи – бошланғич мактаб, болаларга биринчи тилдан таълим бериш меъёрларига эътибор берган ҳолда ўқитиш - аудио-визуал воситалардан унумли фойдаланган ҳолда таълим берилади. Дарслар лингво тизим ёрдамида олиб борилиши самарали ҳисобланади. Ўқитиш дастури ижтимоий турмуш масалалари билан ҳамоҳанг олиб борилади. Таълим беришда анъанавий ва инновацион таълим усуллари билан фойдаланилади.

Олий таълим тизимида талабаларга хитой тилини ўргатишда кам сонли миллат ўқув юртлари бошланғич ва ўрта мактабда олинган билим асосида фаолият олиб борилади. Мутахассислик бўйича билим бериш тизими ҳам мактабдаги таълим тизимидан фарқ қилади.

Кичик миллатларга хитой тилини ўргатиш ва чет элликларга хитой тилини ўргатиш бир тилни бошқа тилга қиёслаб ўргатишдир, шу асосда дарслик танланади, ўқитиш мазмуни ташкил этилади, дарс режаси ва ўқитиш услуби танлаб олинади. Талабанинг она тилиси ва хитой тили орасидаги муносабат, ўзига хосликлар кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш ва чет элликларга хитой тилини ўргатиш услублари, ўзига хос қийинчиликлари тамоман бир – биридан фарқ қилади.

Маълумки, азалдан Хитойда Тибет, Олтой каби ўлкаларда истиқомат қилувчи кичик миллат вакиллари ўз тиллари баробарида келиб чиқиши, фонетик қурилиши, оҳангдорлик хусусиятлари ва ҳатто грамматик тузилишида бир-бирига яқин бўлган тилларда сўзлашишади, бироқ, бир қанча шева ҳамда диалектлар йиғиндиси сифатида барпо этилган Хитой давлат тилининг меъёрий талабларини жиддий ўрганиш зарурати ҳозирги давлат таълим стандартлари талаби эканлиги мазкур аҳоли қатламларига замонавий Хитой (путунгхуа)ни ўргатишда янги методларга катта эҳтиёж борлиги билан изоҳланади.

- 1) Билингвистик таълим деганда нимани тушунаси?
- 2) Хитой жамиятидаги кичик миллат вакиллари хитой тилини ўрганишлари борасидаги фикрларингиз қандай?
- 3) Билингвистик таълим методлари деганда нима назарда тутилади?
- 4) Замонавий Хитойда путунгхуани умуммиллий миқёсида ўқитилишининг аҳамияти нимада?
- 5) Хитой тилини ўрганишда сиз қайси методни маъқул деб ҳисоблайсиз?

СУАР худудининг жуғрофий тузилиши ва унга чегарадош авлатлар.

СУАР да тил вазияти ва сиёсий жиҳатлари.

СУАРнинг тарихи.

34. СУАРда кам сонли миллатлар тилининг таснифи ва хусусиятлари.

35. Шинжианг сўзининг этник маъноси.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### МАТЕРИАЛ ҚЎШИШ

## VI. ГЛОССАРИЙ

### Атамаларнинг қисқача ўзбекча-хитойча луғати

№	ўзбек	хитой
1.	Гуандун путунхуаси	广东普通话
2.	Сингапур хуаюйи	新加坡华语
3.	Тайван гоюйи	台湾国语
4.	Ченде шеваси	成都话
5.	Чифен шеваси	赤峰语
6.	Хайнан шеваси	海南语
7.	Карамай шеваси	克拉玛依话
8.	Сзин (Шанси) шеваси	山西话
<b>Хебей-шандун лаҳжаси 冀魯片</b>		
9.	Баодин шеваси	保定语

10.	Сзинан шеваси	济南话
11.	Шисзячжуан шеваси	石家庄话
12.	Тянсзин шеваси	天津语
<b>Сзянхуй лаҳжаси 江淮片</b>		
13.	Хефей шеваси	合肥语
14.	Хандан шеваси	邯郸话
15.	Нанкин шеваси	南京
16.	Нантун шеваси	南通语
17.	Сяоган шеваси	孝感语
18.	Янчжоу шеваси	扬州语
<b>Шандун (Сзяо-Ляо) лаҳжаси 山东片</b>		
19.	Далян шеваси	大连话
20.	Синдао шеваси	青岛话
21.	Вейхай шеваси	威海语
22.	Янтай шеваси	烟台话
<b>Сибей (Лан-Ин) лаҳжаси 西北片</b>		
23.	Дунган шеваси	东干语
24.	Ланчжоу шеваси	兰州语
25.	Урумчи (хитой) шеваси	乌鲁木齐语
26.	Синин шеваси	西宁话

27.	Инчуан шеваси	银川话
<b>Шимолий-шарқий лаҳжа 东北片</b>		
28.	Чанчун шеваси	长春话
29.	Харбин шеваси	哈尔滨话
30.	Шенян шеваси	沈阳话
<b>Жанубий – ғарбий лаҳжа 西南片</b>		
31.	Чанде шеваси	常德语
32.	Ченду шеваси	成都话
33.	Чунсин шеваси	重庆语
34.	Дали шеваси	大理语
35.	Гуйян шеваси	桂阳语
36.	Кунмин шеваси	昆明语
37.	Лючжоу шеваси	柳州语
38.	Ухан шеваси	武汉语
39.	Сичан шеваси	西昌语
40.	Ичан шеваси	宜昌语
41.	Хуй лаҳжаси	淮语片
42.	Диалект Сзиси (Анхуй)	安徽话
43.	Шесян шеваси (Анхуй)	歙县语
44.	Тунси шеваси	屯溪话
<b>Чжуньюан лаҳжаси 中原片</b>		
45.	Ханчжун шеваси	汉中语

46.	Кайфен шеваси	开封语
47.	Нанян шеваси	南阳语
48.	Сюйфу шеваси	曲埠语
49.	Тяншуй шеваси	天水语
50.	Сиан шеваси	西安语
51.	Сюйчжоу шеваси	徐州语
52.	Янан шеваси	延安语
53.	Чженчжоу шеваси	郑州话
<b>Син лахжаси 秦语片</b>		
54.	Баотоу шеваси	包头语
55.	Датун шеваси	大同语
56.	Хандан шеваси	邯郸语
57.	Хухехаоте шеваси	呼和浩特语
58.	Тайюан шеваси	太原语
59.	Синсян шеваси	新县语
<b>Тайху лахжаси 太湖片</b>		
60.	Чанчжоу шеваси	常州话
61.	Ханчжоу шеваси	杭州语
62.	Шаосин шеваси	绍兴话
63.	Нинбо шеваси	宁波话

64.	Шанхай шеваси	上海语
65.	Сучжоу шеваси	苏州话
66.	Уси шеваси	无锡话
<b>Тайчжоу лахжаси 台州片</b>		
67.	Тайчжоу (Чжесзян) шеваси	台州语
<b>Оусзян лахжаси 瓯江片</b>		
68.	Венчжоу шеваси	温州语
<b>Учжоу лахжаси</b>		
69.	Сзинхуа шеваси	金华语
70.	Иу шеваси	义乌语
71.	Юнкан шеваси	永康语
<b>Чусюй лахжаси 处衢语</b>		
72.	Лишуй шеваси	丽水语
73.	Сюйчжоу шеваси	衢州语
74.	Шанжао шеваси	上饶语
<b>Сюанчжоу лахжаси 宣州片</b>		
75.	Сюанчен шеваси	宣城语
<b>Чанъи лахжаси 长益片</b>		
76.	Чанша шеваси	长沙语
77.	Хенъян шеваси	衡阳话
78.	Иян шеваси	益阳话

79.	жучжоу шеваси	株洲话
<b>Лоушао лаҳжаси 娄邵片</b>		
80.	Лоуди шеваси	娄底话
81.	Шаоян шеваси	邵阳话
82.	Шуанфен шеваси	双峰话
<b>Ган лаҳжалар гурухи 赣方言区</b>		
83.	Дункоу шеваси	洞口语
84.	Фунин шеваси	阜宁话
85.	Фучжоу шеваси (Сзянси )	福州话
86.	Сзиан шеваси	吉安语
87.	Нанчан шеваси	南昌语
88.	Сяннин шеваси	咸宁语
89.	Ичун шеваси	宜春语
<b>Кесзя (хакка) лаҳжалар гурухи 客家语方言区</b>		
90.	Хуйчжоу (хакка) шеваси	惠州客家语
91.	Мейчжоу (хакка) шеваси	梅州客家语
92.	Ухуа (хакка) шеваси	五华客家语
93.	Пиньюан (хакка) шеваси	平远客家语
94.	Сзяолин (хакка)	蕉岭客家语
95.	Дапу (хакка) шеваси	大埔客家语

## II АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом еттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган енг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель



"Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Шамаманов Ш. Хитойда тил вазияти ва сиёсати (социолингвистик таҳлил). Т. 2020. 150 б.

2. Шамаманов Ш., И.Н. Бекмуратов. Хитой матбуот тарихи ва тили. Т., 2012. 120б.

3. Бекмуратов И.Н. Хитойда тил вазияти ва сиёсати (социолингвистик таҳлил). Т. 2010. 110б.

4. Каплунова М.Я. Языковая политика и функциональное развитие языков КНР М. 2017.

5. Завьялова О.И. Китайские диалекты и современное языкознание в КНР// вопросы языкознания №6. 2009. Стр. 102-

6. Беликов В.И. Социолингвистика: М.: РГГУ, 2001. 436 с.

7. Швейцер, А.Д. Современная социолингвистика: Теория, проблемы, методы. А.Д. Швейцер. М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2011. 176 с.

### **Қўшимча адабиётлар**

8. Маслова В.А. Современные направления в лингвистике : учеб. пособие для студ. Высш.учеб. заведений / В.А. Маслова. М.: Издательский центр «Академия», 2008. 272 с.

9. Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика. М.: М.: Аспект Пресс, 2000. С. 30 -48.

10. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

11. Беликов В.И. Социоллингвистика. М.: РГГУ, 2001. С.239-246, 328-329.
12. Социоллингвистика вчера и сегодња: Сб. науч. Тр. М.: ИНИОН РАН, 2004. С. 8 – 74.

#### **IV. Интернет сайтлар**

12. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

13. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

14. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

15. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

16. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

17. [www.britishcouncil.org](http://www.britishcouncil.org) – Британия кенгаши веб сайти

18. [www.bonjourdefrance.com](http://www.bonjourdefrance.com) – Тил ўрганиш веб сайти

19. [www.edu365.cat](http://www.edu365.cat) – Тил ўрганиш веб сайти

20. <http://www.duplaisiralire.com/> – Тил ўрганиш веб сайти

21. <http://www.polarfle.com> – Тил ўрганиш веб сайти [titsuos.uz](http://titsuos.uz) – Тошкент давлат шарқшунослик университети веб сайти

